Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. №-№ 121–122 (7. 210–7. 211) 1990 йил 31 май, пайшанба Баҳоси 4 тийин.

СССР Президенти М. С. ГОРБАЧЕВнинг

1990 йил 27 майда Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи

Азиз ўртоқлар!

Кейинги вақтларда сиз билан биз телевизор экрани орқали мунтазам учрашиб турибмиз. Бугун ҳам, бу оқшом мен, назаримда, ҳозир ҳаммамизнинг хаёлимизни эгаллаб турган масалага, мавзуга тўхталмоқчиман.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида ҳукуматнинг маърузаси СССР Олий Советида кўриб чиқилаётганлиги муносабати билан мамлакатда хавотирлик, ташвиш кайфияти юзага келди. Ҳамма нарса нақадар атрофлича ва билимдонлик билан пухта ўйланганми-йўқми, ҳозирги вазиятдан қутилишнинг бошқа иложлари борми, бозор иқтисодиётига ўтиш одамларнинг турмуш даражасига қандай таъсир қилади, деган масала кенг муҳокама қилинмоқда. Буларнинг ҳаммасини тушунаман, бу хавотирлик ва безовталикни англайман, чунки жамият турмушининг туб масалалари ҳақида, ҳозир ҳар бир кишига, ҳар бир оилага, барча жумҳуриятларга, барча тоифадаги меҳнаткашларга, пенсионерларга, талабаларга, ўқувчиларга, ҳаммамизга тааллуқли бўлган масалалар тўғрисида гап бормоқда.

Давлат раҳбарияти ўз вақтида биз бозорга ўтиш билан алоқадор масалаларга яқинлашганимизда асосий масалаларни албатта умумхалқ муҳокамасига қўямиз, деб ўз вақтида қатъий қилиб айтгани, албатта, эсингизда бўлса керак. Менга мана шу ҳаётий муҳим масалалар хусусида мамлакат Президенти ўз фикрини айтсин, деган илтимослар тушди.

Аввал бозор иқтисодиётига ўтиш ҳақида. Хўш, бу ғоя қачон пайдо бўлган эди. Бу ғоя анчадан бери муҳокама қилинмоқда. Партиямизнинг XXVII съездидаёқ шу ғоя бор эди ва у партия Марказий Комитетининг туб иқтисодий ислоҳот масалаларини муҳокама қилган Пленумида айниқса пухта, асосли равишда далиллаб берилган эди. Айни ўша Пленумда партиягагина эмас, жамиятимизга халқ хўжалигида бозор муносабатларига тадрижий равишда ўтиш зарурлигининг батафсил далил-исботлари тақдим қилинган эди. Бозорга ўтиш зарурати СССР халқ депутатларининг ўтган йил декабрдаги иккинчи Съезди қарорида, ҳукуматнинг совет иқтисодиётини соғломлаштириш дастури кўриб чиқилиб, маъқулланган пайтда давлат йўли билан таъкидланган эди.

Бутуниттифоқ тўлақонли бозорини ҳамда унга кирувчи кичикроқ бозорларни вужудга келтириш — керакли иш. Агар биз иқтисодиётимизни жадал ривожлантирмоқчи бўлсак, агар биз шу негизда одамларнинг турмуш шароитини яхшилашмоқчи бўлсак, жамиятимизда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилмоқчи бўлсак, бу — керакли иш.

Ҳаммамиз мана шундай бўлишини хоҳлаймиз. Шу сабабли мен айтмоқчи бўлган биринчи гап — бундан буёнги мулоҳазаларимнинг марказий илк нуқтасидир. Бизга бозор шунчаки бозор учун эмас, балки, — шуни таъкидлаб айтаман, — иқтисодиётимизни тубдан ислоҳ қилиш, меҳнат жамоаларининг ва ҳар бир ходимнинг, ҳар бир фуқаронинг, умуман регионлар, жумҳуриятлар, ўлкалар, вилоятларнинг ташаббусига, хўжалик мустақиллигига йўл очиш учун, шу тариқа ўз „ихтиёримиздаги жуда катта нақд бойликлардан оқилона фойдаланиш ҳамда улардан фойдаланиб ва бозорга таяниб, охир оқибатда нақд ижтимоий-иқтисодий самара олиш учун керак.

(Давоми иккинчи бетда).

Янгиликлар — Воқеалар — Хушхабарлар

⊙ ТОШКЕНТ фурнитура ва технология жиҳозлари ишлаб чиқариш бирлашмасида оддий пластмассадан «Олтин, мис ва бронзага ўхшаш» ёрдамчи материал тайёрлашни ўрганиб олишди. Бирлашмада ишлаб чиқилган технология зарбга чидамли полистрол сиртига керакли қоплама суртиш имконини беради. Шу тариқа буюм чет элдан сотиб олинадиган тақчил пластиксиз, вакуум шароитида металл кукунини пластмассага пуркашдек қимматга тушадиган ишни қилмай уддалаш усули топилди.

⊙ ПОЙТАХТДАГИ «Ўзбекистон» чарм-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат шароити яхшиланди. Бу ерда газ чиқиндиларини каталитик зарарсизлантириш қурилмаси ўрнатилди. Қурилма бундай чиқиндиларни 10 баравардан зиёд камайтирди. Тозалаш қурилмасини ўрнатиш ишлари хўжалик усулида бирлашма маблағлари ҳисобидан бажарилди.

⊙ ТОШКЕНТ тўқимачилари ишлаб чиқариш чиқиндиларини чиқитга чиқаришмади. Улар Франция, ГФР ва Голландия фирмаларига тароққа илиниб тўпланиб қолган 200 тонна тукни жўнатдилар. Бундай тарандилар илгари ахлатга ташлаб юборилади. Бу тадбиркорлик комбинатга 250 минг доллар даромад келтирди. Бу маблағ электрон-ҳисоблаш техникаси ва чет элда тайёрланган ускуналар учун эҳтиёт қисмлар сотиб олишга сарфланди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Тошкент тўқимачилик комбинатига Америка да ишлаб чиқарилган компьютерларнинг дастлабки туркуми келтирилди.

(ЎзТАГ).

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КАНАДАГА ТАШРИФИ

ОТТАВА, 29 май. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти М. С. Горбачев Канада ҳукуматининг таклифига биноан бу ерга икки кунлик давлат ташрифи билан келди. Оттава яқинидаги Апленд авиабазасида Совет Иттифоқидан келган олий меҳмонни Канада генерал-губернатори Рамон Ҳнатишин. Бош министр Брайан Малруни, ҳукумат аъзолари, жамоатчиликнинг кўплаб вакиллари кутиб олдилар.

СССР Президентининг келиши шарафига СССР Давлат мадҳияси ижро этилди, тўплардан 21 марта мушак отилди. Совет раҳбари аэродромининг учиш майдонида фахрий қоровул сафини айланиб ўтди. Канаданинг давлат мадҳияси ижро этилганидан сўнг М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачева фахрий меҳмонларнинг Олтин китобига имзо чекдилар.

Сўнгра Канада генерал-губернатори Р. Хнатишин билан М. С. Горбачев нутқ сўзладилар.

Тантанали учрашув маросими тугаганидан сўнг автомашиналар кортежи СССР Президенти учун ажратилган «Ридоу-холл» қароргоҳи томон йўл олди.

Танишинг: Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати



МЕҲНАТГА ЯРАША ИЗЗАТ

⊙ ҲАР биримиз эрта билан ишга ошиқамиз. Завқли меҳнатдан кейин эса уйга... Дарҳақиқат, белгиланган манзилга вақтида етиб борсангиз кун бўйи кайфиятингиз кўтарилиб юради, иш унумингиз ҳам ўзгача бўлади. Ленин бекатларда автобус ёки трамвай кутиб ишга кечикиб борсангизчи? Аввало ўзингиз хижолатда қоласиз. Кейин бошлиқдан танбеҳ эшитиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас.

Шаҳримизда транспорт хизмати кўрсатиш борасида ҳам кўпгина муаммолар бор. Яқинда бўлиб ўтган шаҳар ва область партия конференцияларида бу ҳақда кўп гаплар бўлди. Лекин шаҳримиз аҳлининг узоғини яқин қилаётган, ҳозирча шу соҳада намуна бўлаётган транспортнинг энг қулай ва жон роҳати бир тури борки, у ҳақда ҳар қанча гапирса арзийди. Хуллас, ҳеч қачон вагонга чиқолмай қолмайсиз-да! Гап метро ҳақида кетаётганлигини тўғри англадингиз, азиз ҳамшаҳрим.

— Ҳа, метро — жон роҳати! Қани энди унинг поездлари ҳар биримизнинг манзилимизни яқин қила қолса. Аммо орзуга айб йўқ. Ҳозир ҳам салкам 28 километр масофага метро поездлари қатнаётганини ушбу фикримизга яхши бир далил эмасми?

Сўзимизни бир оз узоқдан бошлаганимиз учун узр. Ҳамма гап шундаки, бизнинг бугунги қаҳрамонимиз Сервер Ашировнинг меҳнат фаолияти шаҳримизда метро қурилиши билан чамбарчас боғланган. У ўзининг меҳнатсеварлиги, камтарлиги, жонкуярлиги билан кўпчилик ҳурматини қозониб келяпти. Партия аъзоси сифатида ўзига топширилган барча вазифаларни сидқидилдан адо этиб, пешқадамлик намунасини кўрсатяпти.

— Шу кунларда, яъни партия тўғрисида ҳар хил гаплар бўлаётган кезларда бизга ўхшаган оддий касб эгалари партиямиз обрўсини кўтармасак, ким кўтаради ахир?! Ҳозирги пайтда ҳар бир киши, айниқса партия аъзоси ўзининг қатъий ва изчил йўлига эга бўлиши, ҳаётимизда мавжуд бўлган вақтинчалик қийинчиликларни бартараф этишга жавобгар бўлиши, партия сафларининг жипслиги учун собитқадамлик билан курашиши керак.

Ҳа, бу Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати, «Ташметрострой» трестининг электр монтёри Сервер Ашировнинг дил сўзларидир. Бу сўзлар замирида эса катта маъно ётибди. Яъни аҳоли узоғини яқин қилишдан тортиб, ҳар бир кишининг иш жойида масъулият билан меҳнат қилиши-ю, партия сафларининг жанговарлиги ва жипслиги учун курашиш лозимлигигача бўлган масъулият ҳисси ётибди. Буни съездга сайланган барча делегатлар қатори ҳалол меҳнатидан иззат топаётган Сервер Аширов ҳам жуда яхши тушунади.

Т. Каримов сурати.

Ўзбекистон аҳлига мурожаат

Азиз юртдошлар!

Муҳтарам оталар ва оналар!

Қадрли ака-укалар ва опа-сингиллар!

Ўзбекистон халқлари ҳаётида оғир, аламли ҳодисалардан бири ҳисобланган Фарғона фожиаларининг содир бўлганига шу кунларда бир йил тўлади. Бугун марҳумларнинг яқинларидан яна бир карра кўнгил сўраб, таъзия изҳор этамиз, уларга сабру бардош тилаймиз.

Фарғона фожиаси чуқур иқтисодий ва сиёсий танглик боис, кўпчилик ёшларнинг ишсизлиги ва муҳтожлигидан ўзларининг қора мақсадлари йўлида фойдаланган жиноятчи гуруҳлар қутқуси билан содир бўлди. Улар ҳали ёш, суяги қотмаган ўсмирларни аврадилар, йўлдан урдилар, оқибатда наинки бизнинг миллатга мансуб кишилар, шу билан бирга биз билан тили ва дини, урф-одатлари уйғун бўлган бошқа халқ вакиллари ҳам ҳалок бўлдилар. Жаҳл ақлдан устун келди, алам ва ғазаб тўфони остида юзлаб хонадонларга ўт кетди, одамлар орасига совуқчилик тушди.

Ўша куналарда қўкка ўралган фарёдлар барчамизни огоҳликка чақириб, бонг урувчи таҳлика қўнғироғи каби қулоқларимиз остидан кетмайди. Ҳали узоқ вақт бу фожиа юракларимизни ларзага солиб туради.

Ўша машъум кунларда алданиб иштирокчи бўлиб қолган фарзандларимиз ҳам жазога тортилганлар. Улар ҳам халқимизнинг пушти-камаридан бунёд бўлган ўз авлодларимиз. Уларнинг бошига тушган оғир ташвиш барчамизни қийнайди. Уларнинг ҳаёт-мамоти, тақдири бизни ҳеч вақт бефарқ қолдирмайди.

Ҳозирги даврда бизнинг бутун мурод-мақсадимиз аввалроқ зикр этилмиш иқтисодий ва сиёсий тангликни бартараф этишга қаратилган; токи фуқаро пешонасига офтоб тегсин. Одамлар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тугал таниб, тезроқ қад ростласинлар, адолатсизлик ва йўқчиликка қарши курашда бир-бирларига мададкор бўлсинлар.

Бизнинг ниятимиз аниқ ва равшан. Ҳаммамиз ҳам элнинг нони бутун бўлсин, деймиз. Йиллар давомида пайсалга солиб келинган муаммоларимиз ҳалқ жуда кўп. Уруш қатнашчилари ва серфарзанд оналарнинг аҳволини яхшилаш, деҳқонларга ер-сув бериш, миллий анъаналарни тиклаш, тилимизнинг равнақи, қишиларнинг виждон ва эътиқод эркинликларини сўзда эмас, балки амалда таъминлаш борасида қатор ишлар қилиниди. Буларнинг барчаси — жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги йўлида қўйилган дастлабки умидбахш қадамлар, халқимиз қўлласа ва яқиндан мадад берса, навбатдаги қадамлар янада қутлуғ бўлгай.

Халқимизда «Ойни этак билан ёпиб бўлмас», деган нақл бор. Ўзбекнинг дўстпарварлиги, кенг феъллиги ва меҳмондўстлиги жаҳон аҳлига азалдан маълумдир. Фикримизнинг исботи учун мозийдан ҳам, бугундан ҳам юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Суриштириб келадиган бўлсак, бундай кўпдан-кўп мисоллар Фарғона водийси чекига ҳам тушади. Ғўзалик, дониш ва адолатни ардоқлаган буюк сиймолар — Бобур, Машраб, Муқимий, Нодирабегим ва ўзга табаррук зотларнинг шу ажойиб эл бешигида тарбия топганини эслаш кифоя. Бу гапларимиз қуруқ мақтов эмас, балки самимий иқрордир. Фарғона аҳли инсоний муомалаларни жойига қўйгувчи, норасида гўдакнинг ҳам иззатини осмон қадар баланд тутиб, уни-да мудом «сиз»лагувчи, ўзи емаса ҳам, ҳалол луқмасини меҳмонга илингувчи саховатли бир элдир. Комил ишонч ва имон билан айтамизки, бундай элнинг қонида маҳдудликка ўрин йўқ. Нобуд бўлган навниҳол фарзандларимизни аслида инсонийликни, миллату масҳабни ўйламаган, насли насаби ҳам, мафкураси ҳам нотайин манфур кимсалар йўлдан урдилар. Улар ўзларининг қутқуларини кейинчалик Бўка ва Паркентда, иқиндагина эса Андижон шаҳрида ҳам такрорлашга уриниб кўрдилар. Бу кимсалар, албатта, қилмишларига яраша жавобгарликка тортиладилар, адолат, ҳеч шубҳасиз, юзага чиқади. Бундай ҳодисалар халқимизни янада зийрак бўлишга, дўст ва душманни, гуноҳ ва савобни янада аниқроқ фарқлашга ундайди. Бугун бизга собит ирода, ўзаро ҳурмат ва иззат, якдиллик ва ҳамнафаслик ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Азиз юртдошларим, жигарбандларим!

Биз бугун Фарғона водийсида фитна қурбони бўлганлар руҳини ёд этмоқдамиз. Уларнинг таъзиядор ота-оналари, қариндош-уруғлари билан бирга қайғу чекмоқдамиз. Биз бу табаррук тупроқ узра тўкилган ҳар бир қатра қон учун жавобгармиз. Ҳар қатра қон — бизнинг кулфатимиз, виждон азобимиздир.

Бугун Фарғона бонг уради! Одамлар, бир-бирингизга биродар бўлингизлар, аҳил ва иноқ яшангизлар, деб бонг уради.

Бўйи бўйи билан тенг фарзандидан айрилиб қолган, кўзлари ёшли отанинг юрак нидосида ана шу чақириқ бор!

Биргина лаҳза ичида отасидан айрилиб, етим бўлиб қолган боланинг ҳайрон кўзларида ана шу чақириқ бор!

Фарғона бонг уради! Оналар фарёди бонг уради!

Одамлар! Ҳушёр бўлинглар!

Айрилиқ доғи осонликча кетадиган доғ эмас. Бир йил олдин бошимизга тушган мусибат ҳали кўп йиллар кўнглимизни тинглаши тайин. Жумҳурият аҳлига ушбу сўзлар билан мурожаат этар эканман, бугунги эслов, миллионлаб юртдошларимизнинг эзгу калималари қайғу чўккан дилларга озгина бўлсада тасалли бахш этар, деган умидим бор.

Ўша қаро кунлар асло қайтиб келмасин, элимизнинг шунингдек моллар белгиланган нормага мувофиқ сотилишини назорат қилиб туришни таъминласинлар.

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти Қўмитаси, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-ширкат қўмитаси, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлиги, Ўзбекистон Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги, Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон ССР Давлат нефть маҳсулотлари билан таъминлаш қўмитаси, Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси савдо узлуксиз бўлишини таъминлаш учун режага қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан, шунингдек товар айирбош қилиш йўли билан олинган ресурслардан молларнинг заҳираларини вужудга келтириш учун зарур чораларни кўрсинлар.

Савдо ташкилотларига ана шу мақсадда нормативдан товар запасларини кўпайтиришга рухсат этилсин. ССР давлат банки, Ўзбекистон жумҳурият банки, ихтисослаштирилган банклар йилига 2 фоиз фойда олиб, нормадан ортиқча моллар запасларига кредит беришни таъминласинлар.

Ўзбекбирлашувга «Центросоюз» йўли билан товар айирбошлаш операциялари орқали олинган радиотелеаппаратлар ва бошқа чет эл молларини Ўзбекистон ССР, Вазирлар Кенгашининг розилиги билан озиқ-овқат маҳсулотларига ва бинокорлик материалларига алмаштириш учун мамлакатнинг бошқа регионларига юбориш тавсия этилсин. Жумҳурият учун ажратиладиган чет эл радиотехникасини 1991 йилдан бошлаб тегишли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари, тикув ва тўқув машиналари, болалар учун чиқарилган товарларга алмаштириш имкониятлари «Центросоюз» билан биргаликда кўриб чиқилсин.

Ўзбекистон ССР Халқ назорати қўмитаси, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият Кенгаши билан биргаликда истеъмол бозорини барқарорлаштириш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар муносабати билан жумҳурият аҳолисига молларни сотиш тартибига риоя қилиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, қоидани бузган шахсларга нисбатан қатъий жазо чораларини кўрсинлар.

И. А. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши «Ўзбекистон ССР аҳолисига озиқ-овқат ва саноат моллари сотишни барқарорлаштиришга доир муваққат чоралар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши жумҳурият истеъмол бозорини барқарор қилиш мақсадида:

1990 йил 30 майдан бошлаб жумҳурият ҳудудида яшовчи аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини паспорт, хизмат гувоҳномаси, талаба билети, пенсия гувоҳномаси ҳамда шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга қараб сотиш муваққат тартибини жорий этишга қарор қилди.

Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши вилоят ижроия қўмиталари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси маҳаллий шароитлардан ва ажратилган фондлардан келиб чиқиб, жумҳуриятда яшовчи ҳар бир фуқарога айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини сотиш тартиби ва нормасини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронларига ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга молларни сотишнинг олдин белгиланган тартиби сақлаб қолинсин.

Жумҳуриятга вақтинча (командировка, хизмат, туристик сафар, меҳнат шартномасига доир иш ва бошқа сабаблар билан) келган фуқароларга кундалик эҳтиёж моллари халқ депутатлари маҳаллий Шўроси тегишли ижроия қўмитаси томонидан белгилаб қўйилган алоҳида рўйхат ва нормага мувофиқ сотилади.

Халқ анъаналари ва удумлари (тўйлар, дафн маросимлари, марҳумлар ҳурмати учун ўтказиладиган маросимлар ва бошқалар) билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш чоғида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ва моллар сотиш нормаси кўзда тутилсин.

Харидоргир ашёвий молларни сотиш халқ депутатлари маҳаллий Шўролари ижроия қўмиталарининг қарорига мувофиқ амалга оширилсин.

Молларни сотишнинг муваққат тартиби жорий этилиши муносабати билан Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси вужудга келадиган барча масалаларни кўриб чиқсинлар ва ҳал этсинлар, шунингдек моллар белгиланган нормага мувофиқ сотилишини назорат қилиб туришни таъминласинлар.

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти Қўмитаси, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-ширкат қўмитаси, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлиги, Ўзбекистон Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги, Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон ССР Давлат нефть маҳсулотлари билан таъминлаш қўмитаси, Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси савдо узлуксиз бўлишини таъминлаш учун режага қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан, шунингдек товар айирбош қилиш йўли билан олинган ресурслардан молларнинг заҳираларини вужудга келтириш учун зарур чораларни кўрсинлар.

Савдо ташкилотларига ана шу мақсадда нормативдан товар запасларини кўпайтиришга рухсат этилсин. ССР давлат банки, Ўзбекистон жумҳурият банки, ихтисослаштирилган банклар йилига 2 фоиз фойда олиб, нормадан ортиқча моллар запасларига кредит беришни таъминласинлар.

Ўзбекбирлашувга «Центросоюз» йўли билан товар айирбошлаш операциялари орқали олинган радиотелеаппаратлар ва бошқа чет эл молларини Ўзбекистон ССР, Вазирлар Кенгашининг розилиги билан озиқ-овқат маҳсулотларига ва бинокорлик материалларига алмаштириш учун мамлакатнинг бошқа регионларига юбориш тавсия этилсин. Жумҳурият учун ажратиладиган чет эл радиотехникасини 1991 йилдан бошлаб тегишли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари, тикув ва тўқув машиналари, болалар учун чиқарилган товарларга алмаштириш имкониятлари «Центросоюз» билан биргаликда кўриб чиқилсин.

Ўзбекистон ССР Халқ назорати қўмитаси, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият Кенгаши билан биргаликда истеъмол бозорини барқарорлаштириш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар муносабати билан жумҳурият аҳолисига молларни сотиш тартибига риоя қилиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, қоидани бузган шахсларга нисбатан қатъий жазо чораларини кўрсинлар.

Шу кунниг мавзуида

Тўлови бугун, буюми эртага

⊙ Матбуотда хабар қилинганидек, бу йил аниқ мақсадга қаратилган давлат процентсиз заёмлари чиқарилди. Улар кўнгилли асосда тарқатилмоқда. Уни чиқаришдан мақсад ва бу заёмларни тарқатиш тартиби тўғрисида СССР жамғармалар бисотхонасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи З. С. Мусаев мухбиримизга гапириб берди.

— **Зокир Собирович, хатларга қараганда, ҳамма оқшомхонларимиз ҳам аниқ мақсадга қаратилган процентсиз заёмлар нима эканлигини билишмаяпти, чамаси.**

— Бу облигацияларни олган кишилар 1993 йилда бу йил учун қиймати тўланган молни олишлари мумкин. Уларнинг қиймати облигацияда кўрсатилган аниқ молларнинг қиймати, номи ва баҳоларига мосдир. Шундай қилиб, облигация молга тўланган ҳақ ҳақидаги ҳужжат ролини ўтайди.

— **Бундай заёмларни кимлар олишлари мумкин?**

— Уларни олиш ҳар кимнинг ўз иши. Бироқ барча хоҳловчиларга облигациялар етишмайди. Шунинг учун уларни олиш тартиби белгиланган. Маҳаллий Советлар меҳнат жамоаларига облигацияларни қанчадан ажратиш кераклигини ҳал этадилар. Уларни ҳоҳловчилар ўртасида тарқатиш жамоанинг ўз иши. Шундан сўнг бу облигацияларни олган кишиларнинг рўйхатини уч нусхада тўлдириш зарур: бири — шу ташкилотда сақлаш учун, иккинчиси — жамғармалар банки муассасасига бериш учун, учинчиси — савдо ташкилоти бошқармасига бериш учун тўлдирилади.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг эътиборини шунга қаратишни истардимки, рўйхатни зудлик билан тақдим этиш лозим ва бу рўйхатга номи киритилган киши СССР жамғармалар банкининг бўлимидан ўз облигациясини олмоғи зарур. Шуни айтиш керакки, облигация муайян шахсга берилади, яъни уларда эгасининг исми-шарифи кўрсатилган бўлади. Облигацияни нақд пулга сотиб олиш мумкин ёки омонат дафтарчаларидан зарур суммани ўчиртириш ҳам мумкин.

— **Қандайдир эҳтиёж билан заём эгаси мол харид қилишни исташи мумкинми?**

— Бундай ҳолларда СССР жамғармалар бисотхонаси муассасасига облигациянинг қийматини олиш учун уни топшириш ҳуқуқига эга. Бироқ, бу ҳақда меҳнат жамоасини хабардор қилган ва у бошқа шахсга берилгандан кейингина шундай қилиши мумкин.

— **Молларни бериш тартиби қандай бўлади?**

— Тегишли молларни бередиган савдо корхоналарни савдо бошқармаси органлари белгилайди ва уни аҳолига маълум қилади. Бу савдо корхоналари эса, яъни мол бериладиган жой 1992 йилнинг 1 январидан 1 июлигача аҳоли турар жойлари бўйлаб облигацияларнинг эгаларини рўйхатга олади.

Молларни сотиш эса 1993 йил мобайнида ўтказилади. Келгуси йили яъни 1994 йил қандайдир сабаб билан ўз молини вақтида ололмай қолган кишилар учун ажратилади. Облигация 1995 йилнинг биринчи январигача мол олиш учун ҳақиқий ҳисобланади. Шу муддатдан сўнг эса то 1997 йилнинг 1 январигача облигация учун тўланган пулни қайтариб олиш мумкин, холос.

— **Процентсиз заём облигацияларини қанчадан олиш мумкин ва Тошкент шаҳри бўйича қандай моллар ана шу заём облигацияларига ажратилган?**

— Тошкентда 1990 йилда сотиш учун 47.408.300 сўмлик процентсиз заём облигациялари ажратилган. Бу облигацияларга қуйидаги моллар давлат баҳоларида бериб борилади: «Волга», ГАЗ—2410, «Москвич» — 2141 ва 2142, «Жигули» ВАЗ—2109, ВАЗ — 2199 ва ВАЗ — 2108, «Запорожец — Таврия» ЗАЗ — 1102 автомобиллари, мини-тракторлар, видеомагнитофонлар, кажавали мотоциклар, уч камерали «ЗИЛ» совутгичи, икки ва уч камерали «Минск», «Бирюса» музхоналари, тўртинчи авлод рангли телевизорлар, шахсий рўзғор компьютерлари, «Зиг-заг» тикув машиналари, «Вятка-автомат» кир ювиш машиналари.

Облигацияларни жамғармалар бисотхонасининг бўлимларида сақлаш мумкин.

— **Процентсиз заём облигацияларини сотиш ишлари қандай бормоқда?**

— Очигини айтиш керак, яхши эмас. Шу йилнинг иккинчи уч ойлигида 41 миллион сўмлик облигация сотиш керак эди. Ҳозир бу топшириқ 10 фоизгина бажарилди, холос.

Бунинг сабаби шундаки, район Советлари ижроия комитетлари облигацияларни тарқатиш тўғрисида қарор чиқаришни чўзиб юбордилар. Масалан, Октябрь район Совети ижроия комитети бу масала юзасидан фақат майнинг ўрталарига келибгина қарор чиқарди. Ҳолбуки, жамғармалар банкининг шаҳар бошқармаси бир неча марта эслатиб ўтган эди. Бундан ташқари шу пайттача бизнинг бўлимларимизга корхоналар ва ташкилотлар бўйича облигацияларни тўла тақсимлаб чиқиш тўғрисидаги ҳужжатлар топширилганича йўқ. Бу нуқсонга қисқа вақт ичида барҳам бериш зарур.

Э. МАДИЕРОВ.

СССР Президенти М. С. ГОРБАЧЕВнинг

1990 йил 27 майда Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Жуда оддий ва тушунарли иборалар билан гапирганимизда, нормал ишлайдиган бозорнинг ўзи нима? Бозорнинг жорий этилиши шундай шароитни яратиши керакки, унда кимки самарали меҳнат қилса, истеъмолчига ва жамиятга керакли маҳсулотни, юқори сифатли маҳсулотни ишлаб чиқарса, кимки чиқимларни камайтириш йўлларини доимий қидирса, маҳсулотни арзонлаштирса, — мана шундай кишилар яхши даромад, яхши иш ҳақи олиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Бозор неча йиллар давомида бир жойда депсиниб турган, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ҳақида, керакли маҳсулотни ишлаб чиқариш тўғрисида ўйламайдиган кишилар масаласини, айниқса зарар кўриб ишлаётган ёки ишлар хўжасизларча, масъулиятсизларча олиб борилаётган, интизомсизлик, бошбошдоқлик ҳукм сураётган коллективлар масаласини ўткир қилиб қўяди. Бозор жорий қилинганидан кейин яқин муддат ичида мана шуларнинг ҳаммаси юзага чиқиб қолади.

Шу сабабли яхши меҳнат қилаётган ва келгусида бундан ҳам яхшироқ меҳнат қилишга тайёр бўлган кишиларга бозор ўз истеъдодини, ташаббусини, ижодкорлигини намоён қилиш учун кенг имкониятлар беради. Аммо очиғини айтганда, меҳнатдан бўйин товлайдиган, яхшироқ ишлаш ва яхшироқ натижаларга эришиш ҳақида эмас, балки, аввало бошқалардан қандай қилиб олиб олиш тўғрисида кўпроқ ўйлайдиган кишиларга эса қийинроқ бўлади. Ахир, бу — адолат-ку — адолат бўлганда ҳам, менимча, олий адолат-ку.

Қисқа қилиб айтганда, бозор бизга неча ўн йиллардан бери ҳал қилишга интилиб келган вазифаларни ҳал этиш — ижодий, унумли, самарали меҳнатни рағбатлантириш ва ношуд ходимларни пул билан жазолаш имконини беради. Биз ҳаммамиз ҳудди мана шуни хоҳлаймиз, кўпдан бери шуни хоҳлаб келяпмиз. Бироқ ҳозир шуни ҳам қўшиб қўйиш керакки, агар биз шу йўлга ўтмасак, ўзимиз тушиб қолган ана шу вазиятдан чиқа олмаймиз.

Сизлар: нега энди айни ҳозирги вақтда бошқариладиган бозорга ўтиш масаласи амалий йўлга қўйилмоқда, нега бу иш эртароқ қилинмади-ю, нега уни кейинроқ қилиш мумкин эмас? — деган саволни беришга ҳақлисизлар, албатта. Бу хусусда турли фикрлар, мулоҳазалар айтилмоқда, ҳар хил нуқтаи назарлар билдирилмоқда. Баъзи кишилар, биз вақтни бой бериб қўйдик, илгарироқ бунга ўтиш керак эди, дейишмоқда. Бошқалар эса биз ҳали бунга тайёр эмасмиз, бозорга ўтиш кўпларимиз учун, эҳтимолки, умуман мамлакат учун ҳам оғир оқибатларга олиб боради, деб ҳисобламоқдалар.

Мен ўзим* бу масалалар ҳақида кўп ўйладим, мутахассислар билан ҳам, меҳнаткашлар билан ҳам, атоқли иқтисодчилар билан ҳам жуда кўп маслаҳатлашдим. Менинг нуқтаи назарим қуйидагича: назаримда, биз масалани илгари ҳозир қўйилаётгандек қўя олмас эдик. Нега? Чунки бозор амал қила бошлаши учун кўп ишларни, анчагина ишларни қилиш зарур эди.

Мен бу суҳбатда баъзи бир муаммоларни айтиб ўтмоқчиман. Мен онгли равишда шундай қиляпман, чунки ҳукматнинг маърузасига, бу маърузанинг Олий Советдаги муҳокамасига жамиятимиз қандай муносабатда бўлаётганини кузатиб туриб, аслида ҳамма нарса кўп жиҳатдан нархлардан иборат деб тушунилаётганини кўриб турибман. Мен бу масаланинг аҳамиятини тушунаман, чунки бу нарса одамларнинг турмушига, уларнинг кундалик ҳаётига, турмуш шароитларига таъсир қилади. Мен бу масалаларга албатта тўхталиб ўтаман.

Аммо бозорга ўтиш — жуда кенг миқёсли, мажмуий вазифа. Биринчидан, бизнинг иқтисодиётимиз қатъий марказлаштирилган режалаштириш ва рақобарлик шароитида ишлаб келди. Унда хўжалик ҳисоби ёндашувлари эндигина куртак ёза бошлаган эди. Бундай вазиятда, ҳамма нарса қатъий режалаштириб қўйиладиган, қатъий тақсимланадиган, муайян миқдор билан чеклаб қўйиладиган назорат қилинадиган, тартибга солинадиган шароитда ҳеч қандай бозор ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслиги табиий. Биз бошқа соҳаларда бўлганидек, иқтисодиётда ҳам буйруқбозлик усуллари системасини аввал бошданоқ барҳам топтиришимиз керак эди. Шу сабабли биз масалани беш йил аввал у ёқда турсин, балки ҳатто бир ярим-икки йил аввал ҳам амалий тарада қўя олмас эдик.

Аммо биз ҳар ҳолда ана шу беш йил давомида кўп қийинчиликлар билан бўлса ҳам, хўжалик юритишнинг янги усулларини ўзлаштиришда бир талай тажриба орттирдик. Бу йўлда хатоларга ҳам йўл қўйилди. Ҳозир деярли ҳамма корхоналар доимо муваффақиятли бўлмаса ҳам, янги шароитларда ишлаб турибди, кооператив ҳаракат вужудга келди ва ривожланмоқда. Биз бу ҳаракатни танқид қиляпмиз, кўп ҳолларда ўринли танқид қиляпмиз, аммо принцип жиҳатдан олганда кооперативлар ривожининг мана шу, дастлабки даврида рўй бераётган оғишлар, юлғичликлардан бу ҳаракат қутулиб олгач, у ҳали ўз кучини кўрсатади, деб ўйлайман. Менинг бунга ишончим комил.

Мамлакатда, гарчи катта қийинчиликлар билан бўлсада, ижарачиларнинг ҳаракати ривожланмоқда. Бу ҳаракат ҳозирнинг ўзидаёқ халқ хўжалигининг барча соҳаларини қамраб олди. Ижарачилар билан сўнгги учрашув менда жуда катта таассурот қолдирди. Энди булар мутлақо бошқа одамлар. Улар бошқача фикрламоқдалар. Улар асло юлғичлар эмас, балки жуда жўшқин фикрли, масалага давлат манфаатларини кўзлаб ва мамлакат учун зўр масъулият туйғуси билан ёндашадиган кишилар эканини пайқаб олдим. Бу — жуда соз. Демак, хўжалик юритишнинг янги шароитлари, инсоннинг иқтисодиётдаги янги ҳолати унинг гражданлик мавқеига жуда катта таъсир ўтказмоқда.

Шу йиллар мобайнида аграр соҳада ҳам анча муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу соҳада ҳам хўжалик юритишнинг янги шакллари зўр бериб қидирилмоқда. Мана шундай тажриба бўлмаганида иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш юзасидан янги вазифаларни ўртага қўйиш амри маҳол бўлур эди, ўртоқлар.

Ҳатто ҳозирги туб бурилиш даврида — биз қайта қуришнинг айни мана шундай палласига етиб келдик — биз асосан ижтимоий онгимизнинг тайёр эмаслигига дуч келмоқдамиз.

Начора, сиз билан биз ўз давримизнинг фарзандларимиз, эски одатлар руҳида тарбияланганмиз ва шу одатларга кўмилиб ётибмиз. Биз жуда мураккаб масалаларни жўнгина ҳал этишни жуда хоҳлаймиз. Аммо бундай ҳал этиш йўллари йўқ.

Очил дастурхон каби ҳамма нарса ўз-ўзидан муҳайё бўлиб қоладиган йўлни топиш учун қилинаётган ҳамма уринишлар эса биз ҳали ўтмиш хом хаёлларидан халос бўлмаганимизни кўрсатиб турибди. Аммо бу ҳолат ўтиб кетади.

Жамият ўзгармоқда. Мана, кўрдингизми, мана шундай қилмай туриб, бозорга ўтиш тўғрисидаги масаланы қўйиш масъулиятсизлик ва енгилтаклик бўлур эди.

Яна бир гап: ҳозир бизда Мулкчилик тўғрисидаги, Ижара ҳақидаги, Ер тўғрисидаги қонунлар каби залворли қонунлар бор. Улар шундай ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб бермоқдаки, бу шарт-шароитлар мулкчилик муносабатларини чуқур ислоҳ қилиш ва кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида иқтисодий турмушнинг янги шаклларига ўтиш имконини беради. Бу ҳам йўқ эди. Бироқ шу қонунларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, муҳокама қилиш даврида ўзимиз ҳам тасаввурларимизни бойитиб олдик. Шу давр ичида ҳаммамизнинг ақлимизга ақл қўшилди, деб ўйлайман.

Гарчи инсоннинг руҳи ўзгаришларга унчалик қайишмайдиган соҳа бўлса-да, умуман, руҳиятимиз ҳам анча ўзгарди. Яхшилик сари ўзгарди. Мана ҳозир бозор иқтисодиётига ўтишдек масалани муҳокама қилаётган эканмиз, эҳтимол, бу нарса мен айтаётган гапнинг энг кучли тасдиғидир. Фикр-мулоҳазаларнинг ўткирлиги мени чўчитмайди. Биз ҳозир муҳокама қилиб, ҳал этаётган масала катта ва мураккаб масаладир. Одамлар уни ўзлари лозим деб ҳисоблаган тарзда қўйишга ва ўзларида юзага келаётган шубҳа-гумонларни айтишга ҳақлидирлар.

Ҳозир мана шуларнинг ҳаммаси зарур. Биз шу масалалар юзасидан халқ билан маслаҳатлашишни ваъда қилган эдик ва маслаҳатлашамиз ҳам. Одамларимиз ҳукуматнинг ҳамма таклифлари ҳақида ўйлаётган нарсаларга эътибор билан қараймиз.

Яна бир гап. Бозорга, бозор иқтисодиётига ўтиш вазифаси айни шу бугун амалий тарада қўйилганининг сабаби нима? Бу бизнинг истеъмол бозоримиздаги ҳақиқий аҳвол. мамлакатнинг молиявий аҳволи, мамлакатдаги бутун ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқади.

Ўтган йилнинг декабрида маъқулланган ва ҳозирги, 1990 йил мобайнида истеъмол бозорида ҳам, молия, бюджет соҳасида ҳам яхшилик сари ўзгартириш мўлжаллаб қўйилган чора-тадбирлар ҳозирча кам натижа берганини рўй-рост, бутун масъулият билан ошкора айтмоқ керак.

Ҳозир мен бунинг сабаблари ҳақида гапирмоқчи эмасман. Қолаверса, бу сабабларни ўзингиз биласизлар, деб ўйлайман, чунки биз бу ҳақда кейинги вақтларда гапирган эдик. Фақат шуни қайд этмоқчиман: ҳозирча ҳукумат ишлаб чиқариш ва моллар ишлаб чиқаришни ўстиришга нисбатан пул даромадларининг илдамроқ ўсишини секинлаштиришга муваффақ бўлгани йўқ. Энг муҳими — мана шу, шу боисдан бозоримиздаги вазият яхшиланиши бир ёқда турсин, ҳатто баттар кескинлашди. Янги пул чиқаришни қисқартиришга муваффақ бўлинмади.

Йилнинг ярмидан кўпи ҳали олдинда турибди, биз қатъийроқ, саботлироқ ҳаракат қилиб, янги-янги чора-тадбирларни кўриб қандай қилиб бўлмасин молия ва истеъмол бозори соҳасида ўзимиз белгилаган дастурни амалга ошириш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилишга интилаверишимиз керак, албатта. Ҳам марказ, ҳам жумҳуриятлар, ҳам регионлар даражасида, ҳам ҳар бир меҳнат жамоасида ҳаракат қилиш керак. Бу — ҳаммамизнинг вазифамиз. Башарти, биз мўлжаллаган ишларни, чунончи халқ истеъмоли молларини кўпайтиришни (бунда гап миллиардлар ҳақида борянти) бирон-бир меҳнат жамоалари қабул этмаган ва ўз режаларига киритмаган бўлса, бу нарса бозорнинг ҳолатига таъсир қилади. Ҳали бир неча ой вақтимиз бор, шу вақт ичида ихтиёримиздаги ҳамма имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Аҳвол мана шундай. Бироқ шунга қарамай, ҳукумат дастурини амалга ошириш соҳасидаги иш тажрибаси ҳатто белгиланган ҳамма чора-тадбирлар амалга оширилган тақдирда ҳам вазиятни яхшилаш сари ўзгартириш учун етарли бўлмаслигини кўрсатди.

Шу сабабли ҳукумат бозор иқтисодиётига ўтиш муддатларини яқинлаштириш керак, деган фикрга келди.

Президентлик Кенгашининг ўтган мажлиси шу масалага бағишланди. Президентлик Кенгашида бошқариладиган бозорга ўтиш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ҳаммасини муҳокама қилишга катта эътибор берилди. Ҳозир масалани пайсалга солиб бўлмайди, деган фикрга ҳамма қўшилди. Ҳозирги вазият нақадар мураккаб бўлмасин, ҳаракат қилмоқ керак, чунки энди яқин ойлар ичида вазият баттар кескинлашиб, қийинлашаверади, очиғини айтганда, хатарли тус ҳам олади. Кўп кишилар: хўш, бозор иқтисодиётига ўтиш нималарни ўз ичига олади? — деб сўрамоқдалар. Бу — катта ва муҳим масала. Баъзи кишиларга, аслида, бозорга ўтиш фақат нархларни кўриб чиқишдан иборат бўладигандек туюлибди. Бироқ ўртоқ Николай Иванович Рижковнинг СССР Олий Совети сессиясидаги маърузаси билан таниша олган киши шу ўтиш даврида биз жуда кўп иш қилишимиз кераклигига ишонч ҳосил қилганлигини турган гап. Бу иш бир-бири билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг бутун бир мажмуини ўз ичига олади. Бу вазифалардан биронтасини ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди, айниқса ҳал этмай, орқага суриб бўлмайди, чунки бу салбий оқибатларга, шу жумладан ижтимоий тарздаги оқибатларга ҳам сабаб бўлади.

Мен айтмоқчи бўлган биринчи гап қуйидагилардан иборат: ҳозирги хўжалик йилини биз имкони борича кўпроқ ижобий натижалар билан тугаллашимиз учун ҳамма ишни қилиш керак. Бундай қилиш осон иш эмас, гарчи муайян ижобий силжишлар бўлсада, иқтисодиётда дастлабки ойлар мобайнида яна камчиликларга йўл қўйила бошлади. Бу йилги вазифаларнинг бажарилмаслиги ишлаб чиқаришнинг мувозанатига ҳам, умуман иқтисодий натижаларга, одамларнинг даромадларига, иш ҳақига ҳам таъсир қилади, давлат бюджетидаги вазиятни чигаллаштиради.

Хуллас, ҳозир ҳамма масъулият туйғусини, ҳар бир киши ўз жойида интизомли, самарали ишлаши зарурлигини тушунганлигини намоён этиши ҳар қачонгидан ҳам зарур. Биринчиси — мана шу.

Бозорга ўтиш тегишли солиқ системаси бўлишини назарда тутади, чунки бу — бозор шароитида иқтисодиётни тартибга солишнинг жуда муҳим воситасидир. Бу хусусдаги дастлабки ишланмалар Олий Советга тақдим этилган. Бу ишланмалар қизғин мунозара, фикрлар тўқнашуви шароитида муҳокама қилинмоқда. Мана шуларнинг ҳаммасини қилмоқ керак. Чунки булар давлатнинг бозор иқтисодиёти жараёнларига айни таъсир ўтказиш воситаларидир. Халқ хўжалигимизнинг хусусиятларини эътиборга олиш лозимлиги табиий, халқ хўжалигимизда бирон-бир маҳсулотни ишлаб чиқиш соҳасида ҳукмронлик мавқеини эгаллаб турган бир талай корхоналар бор. Бозор шароитида бу корхоналар ўзларининг мана шу ҳукмронлик мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, жамиятга ўз нархларини тиқиштирадиган вазият вужудга келиб қолиши мумкин. Чунки биз бу маҳсулотни бошқа бирор жойдан олмаймиз.

Ҳозир ишлаб чиқарувчининг ҳокимлигига, зўравонлигига қарши қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва қабул этиш керак. Шундай қилмасдан бўлмайди. Бизнинг хусусиятимиз мана шундай ва биз буни эътиборга олишимиз керак. Ў ёки бу молларни ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат жамоалари учун мусобақалашиш, беллашиш имконини очадиган шароитларни яратиш жуда муҳимдир. Бунинг учун эса майда ва ўрта корхоналар тўғрисида, умуман корхоналарга хусусий эгалик ҳақида ҳеч кечиктирмай қонун қабул қилиш керак. Ҳозир шундай қилинмоқда.

Мулкчилик тўғрисидаги, Ижара ҳақидаги, Ер тўғрисидаги қонунларни амалга ошириш воситасини яратиш керак. Мен ижарачилар билан яқинда учрашганимда, улар шу ҳақда шикоят қилдилар. Булар — аслида яхши қонунлар. Эҳтимол, улар турмуш синовидан ўтар. уларга ҳали тузатишлар ҳам киритилар. Шундай бўлиши, эҳтимолдан холи эмас. Аммо уларни амалга ошириш воситаси пухта ўйлаб қўйилмаганлиги сабабли улар кўнгилдагидек самара бермаяпти. Бу қонунлар амалга ошишини, рўёбга чиқишини хоҳламаган кишилар эса жуда кўп эканини айтиб қўймоқчиман. Биз бу қаршиликни ана шу энг муҳим, фундаментал қонунларни амалга оширишнинг дастури бўлган тегишли ҳуқуқий актларни қабул қилиш негизидагина енгишимиз мумкин. Рўй-рост айтиш керакки, ҳозирча эса ана шундай дастурларнинг йўқлиги учун бу қарорларни амалда рўёбга чиқариш мушкул бўлиб турибди.

Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ислоҳот йўлида тўсиқ бўлмоқда. Одамлар шуни ўтиниб сўраб, айни вақтда улар шу хусусда Президент фармони лойиҳасини тақдим этиш тўғрисида таклифни ҳам айтишди. Мен одамларнинг бу кайфиятини қўллаб-қувватлайман.

Олий Совет кун тартибида турган бошқа анча қонунлар ҳам бор. Биз ушбу қонунларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни, облон ўйлаб кўришимиз керак.

Ёки бошқа бир муҳим жиҳатни олайлик. Ҳозир базавий тармоқларнинг кўпгина корхоналари мушкул молиявий аҳволга тушиб қолди, бунинг устига улар зарар кўриб ишламоқда. Ушбу корхоналар фақат ўз айблари билангина зарар кўриб ишлашаётгани йўқ — ҳар ҳолда бундай айб ҳам бор — мазкур корхоналар аввало шунинг учун зарар кўрмоқдаларки, мамлакатда улгуржи нархлар тўғрисидаги масала нотўғри ҳал этилмоқда. Танг қоладиган аҳвол вужудга келди: мамлакат ана шу корхоналар, ана шу тармоқларсиз яшай олмайди, айни вақтда эса буларнинг маҳсулотидан зарар кўрмоқда. Кончилар ўзларига мустақиллик берилиши тўғрисидаги масалаларни, улар ўз меҳнати самараларини чинакамига тўғри тасарруф эта олишларига йўл очиб бериш тўғрисидаги масалаларни тўғри ўртага қўймоқдалар.

Хуллас, буларнинг ҳаммасини ҳал қилиш талаб этилади. Бусиз биз яна бозорга ўтишга тўғри тайёргарлик кўра олмаймиз. Бу энг муҳим вазифалардан биридир.

Бозор рисоладагидек ишламоғи учун молия-кредит муассасаларининг тегишли системаси, турли юмушларни ado этадиган банкларнинг кенг тармоғи зарур. Бозор мол ва фонд биржалари бўлмаса, меҳнат ресурсларини тартибга солиш системаси бўлмаса, рисоладагидек ишлай олмайди.

Мен ҳал этилиши лозим бўлган ҳамда буларсиз бозор иқтисодиётига ўтиш мумкин бўлмаган муаммоларнинг бир қисмингина тилга олдим. Шунинг учун ҳам ҳукумат маърузасида баён этилган тайёргарлик босқичи зарурдир. Шу боисдан ҳам биз бу йилнинг охиригача бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар мажмуасини қабул қилишимиз лозим бўлади. Бу ҳужжатларсиз бозор иқтисодиётига ўтишни рўёбга чиқариш мумкин эмас. Бу ўринда Олий Советда ҳам, ҳукуматда ҳам, Президентлик Кенгашида ҳам жиддий иш қилиш керак.

Назаримда, ҳукумат идоралари — ҳам Иттифоқ, ҳам жумҳурият ҳукумат идоралари — ишининг энг муҳим қисми жамиятдаги ортиқча пулларни ушлаб қолиш чораларини амалга оширишдан иборат. Бу ўринда иш ҳақи ишлаб чиқариш фаолиятининг пировард натижалари билан мустаҳкам боғланиши учун қаттиққўл иқтисодий таъсир чоралари зарур.

Аммо бу иқтисодиётимиздаги салбий тенденцияларга барҳам беришнинг йўналишларидан биридир, холос. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бозордаги ишдан аҳволини яхшилаш режасининг қандай амалга оширилиши бу ўринда жуда муҳим аҳамиятга молик бўлади. Мен бу ҳақда гапирган эдим. Ва биз ҳаммамиз бу соҳада пухта ишлашимиз керак.

Бюджет камомадини қисқартириш — пайсалга солиб бўлмайдиган вазифадир. Пулнинг қадрсизланиш жараёнларига кучли таъсир ўтказаётган, шу жараёнларни жадаллаштираётган омилнинг ўзи ҳам ўша бюджет камомадидир. Ихтиёримизда бюджет камомадини қисқартириш учун чинакам имкониятлар бор, биз иқтисодиётни соғломлаштириш юзасидан ҳукумат режаси муҳокама қилинаётганда, шу жумладан, бу йилга мўлжалланган тадбирлар кўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланган пайтда шу имкониятлар ҳақида гапирган эдик.

Аммо шуни айтиш керакки, бу ўринда ҳукумат идоралари дуруст ишламаяпти. Бу аввало капитал қурилишга сарфланаётган маблағларни қисқартиришга даҳлдордир. Халқ хўжалигида тўпланиб қолган ортиқча моддий запасларни сотиш эвазига кўпгина маблағни қўлга киритиш мумкин. Бу маблағ 200 миллиардга етади. Шунинг ўзи ҳам мамлакатда жуда катта нақд пулни ва ҳисоб-китоб билан ундириладиган маблағни қўлга киритишга имкон беради. Давлат аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатларни яна бир карра кўздан кечириб чиқиш лозим бўлади. Мудофаага кетадиган харажатларни қисқартириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам тўла амалга оширилиши керак.

Хуллас, қуйидагиларни таъкидламоқчи эдим: шу йилнинг иккинчи ярми учун қўлимизда фавқулодда давлат бюджети бўлиши лозим. Шундай бюджетни ишлаб чиқишга дарҳол киришишимиз лозим. Ҳатто мен тилга олган масалаларнинг ўзи ҳам шундан далолат бериб турибдики, тайёргарлик босқичи доирасида кенг кўламли жуда катта туркумдаги вазифаларни ҳал этиш керак. Буларсиз бошқариладиган бозорга ўтиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бозорга ўтиш муносабати билан бир қанча муаммолар пайдо бўлдики, буларга жамият аҳли жуда қизиқиб қарамоқда ва шулар хусусида жамиятда ўткир баҳслар бўляпти. Мамлакатда аҳоли ўртасида таҳлика пайдо бўлган экан, бу аввало ана шу билан изоҳланади. Мен бу ўринда бозор иқтисодиётига ўтиш нарх белгилашни ислоҳ қилишни тақозо этаётганини назарда тутмоқдаман. Ҳозир тафсилотларга берилмоқчимасман, чунки ҳукумат маърузасида бунга катта эътибор берилган, бунинг устига нарх белгилаш ислоҳотини амалга оширишнинг барча жиҳатлари ҳали яна муҳокама қилинади. Бош масала ҳақида гапириб ўтмоқчиман: аввало, ҳукумат таклиф этаётган тадбирларда бир қанча энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари нархини албатта тартибга солиб туриш бундан буён ҳам амал қилаверади.

Ҳали беқарор ва таркиб топмаган бозор таъсирида нархларнинг ўз-ўзидан шакланишига сира йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу халқнинг турмуш даражасига оғир зарба бўлиб тушиши мумкин. Бу биринчидан.

Сўнгра. Ҳамонки, ҳар қалай нархларнинг ошиши муқаррар бўлиб қолган экан, айни вақтда бунинг ўрнини қоплашнинг кенг кўламдаги дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда. Бундан кўзда тутилган мақсад турмуш даражасини ва аввало аҳоли кам таъминланган табақаларининг ижтимоий аҳволини пасайтириб юбормасликдир. Буни қай йўсинда, қандай шаклда амалга ошириш юзасидан таклифлар муҳокама қилиш учун тақдим этилади. Назаримда, бу ана шу хусусда мақбул қўчимга келишимизга имкон беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар хил омиллар таъсирида нархлар дам кўтарилиб, дам тушиб туриши мумкин экан, жумладан нархларнинг янада кўтарилиши имконияти бор экан, индексация (муайян вақт давомида ёки ҳудудда моллар нархининг ўртача даражаси ўзгаришини акс эттирадиган кўрсаткич) системасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш назарда тутилмоқда, бунинг моҳияти шуки, иш ҳақи ҳам, пенсия ва стипендиялар ҳам нарх кўтарилишини ҳисобга олиб оширилиши лозим.

Яқинда Уралга сафар қилганимда ва Москва меҳнаткашлари билан учрашганимда шу нарса аён бўлдики, кўпчиликни бозор иқтисодиётига ўтиш бошланганда анчагина корхоналар турли шароитга тушиб қолиши тўғрисидаги масала безовта қилмоқда, бу ўринда нималар назарда тутилмоқда. Баъзи корхоналар ихтиёрида янги ишлаб чиқариш фондлари бор. Бошқаларни ихтиёридаги фондлар эса эскириб қолган, айрим корхоналарда реконструкция якунланган, баъзиларида эса бу юмуш эндигина бошланган ёки уни эндигина авжига чиқариш мўлжалланмоқда. Энди иқтисодиётимизнинг мудофаа сектори ҳақида гапирадиган бўлсак, бу соҳа конверсия босқичига ўтди, бу масала ҳукумат режаси Олий Советда муҳокама қилинаётганида тилга олинди.

Биз ана шундай аҳволга тушиб қолган корхоналар учун зарур имтиёзли шарт-шароитлар яратилишини таъминлайдиган керакли ҳуқуқий, иқтисодий негизларни кўзда тутишимиз лозим. Ҳар қалай, бу муаммо жуда синчковлик билан ўрганиб чиқилиши ва буни ҳал этиш учун оқилона ёндашувлар топилиши керак. Илова қилиб шуни айтишим керакки, ихтиёримизда жаҳон иқтисодиёти тўпланган тажриба бор.

Меҳнаткашларни яна бир масала, яъни иш бўладими, иш жойлари билан таъминланамизми, деган савол безовта қилиб турибди. Бу катта ва жуда муҳим масаладир. Мазкур масала алоҳида диққат-эътибор билан ўрганишга лойиқдир. Равшанки, бозор ва структуравий қайта қуриш шароитида, корхоналарнинг ихтисоси ўзгартирилаётган бир пайтда одамларнинг қўли бўшаб қолади. Эҳтимол, бозор мавжуд бўлишининг энг муҳим жиҳатларидан бири худди ана шундадир. Бу бошланғич босқичдаёқ ўзини намоён этиши мумкин.

Ҳозир ҳукумат ишсизликнинг олдини олиш давлат режасини, ишга жойлаштириш, ишчи кучларини қайтадан ўқитиш ва қайтадан тақсимлаш режаларини ишлаб чиқмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ана шундай жўн бўлмаган турмуш вазиятига тушиб қолган киши ишончли тарзда муҳофаза қилиниши керак. Шу хусусдаги таклифлар ҳам муҳокамага тақдим этилади.

Шундай қилиб, биз теран ўзгаришлар даврига қадам қўймоқдамиз. Лекин биз сўз юритаётган бозор — бошқариладиган бозордир. Демак, бу бозорда давлат муҳим ўрин тутади. Бу гап, аввало, аҳоли учун муайян ижтимоий кафолатлар ишлаб чиқишга тааллуқлидир. Биз аҳоли турмуш даражасининг эҳтимол тутилган қимматлашуви ўрнини тўлароқ қоплаш учун барча ишларни қилишимиз керак.

Энди бу юмушни рўёбга чиқариш усуллари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ерда, марказда, Олий Советдаги, жамиятдаги муҳокамани назарда тутиб, бу иш узил-кесил белгилаб олинади.

Яна шуни айтмоқчи эдимки, бизга бозор ҳам, у билан боғлиқ бўлмаган омилларнинг ўзи ҳам шунчаки зарур бўлиб қолмасдан, балки инсонга эрк бериш, халқнинг жуда катта ижодий куч-қудратини ишга солиш, демократик ўзгаришларга мустаҳкам пойдевор қўйиш учун зарурдир. Бошқача қилиб айтганда, бозор мақсадининг ўзигина бўлиб қолмай, балки иқтисодиётимиз ишлашини яхшилашнинг, унинг самарадорлигини оширишнинг ва шу негизда совет кишилари турмушини фаровон қилишнинг қудратли воситаларидан биридир.

Азиз ўртоқлар, бундай бурилишни рўёбга чиқариш жўн иш эмас, албатта. Бунинг устига миқёси ва мураккаблигига кўра ана шундай масалаларни ҳали сиз билан биз ҳал қилмаган эдик. Агар биз ишимизни яхшиламоқчи бўлсак, ҳамма нарсани ўйлаб муҳокама қилиб, чамалаб кўриб, жуда синчковлик билан ўйлаб, ана шу йўлни тутишимиз керак.

Хуллас, ҳозир бизга жамиятнинг қоғоздаги эмас, балки амалдаги тотувлиги керак.

Ана шу муаммоларнинг ҳаммаси ҳозир Олий Советда муҳокама қилинмоқда. Бу иш учун бир неча кун зарур бўлади. Муҳокаманинг боришини сиз кўриб турибсиз. Эндиликда, яъни ҳукумат маърузаси эълон қилинганидан кейин зиммамизга тушаётган барча муаммоларни тубдан ўрганиб чиқиш ва ўйлаб чиқиш учун имконият очилмоқда.

Миллий тотувлик йўлидан борар эканмиз, ҳойнахой, бу масалани меҳнат жамоаларида ва айниқса янгидан сайланган Советлар системасида, Советларнинг сессияларида кенг кўламда муҳокама қилиш зарур бўлар. Бундан кўзда тутилган мақсад, шу тарзда жиддий муҳокамадан кейин барча жумҳуриятлар марказга ўз таклифларини юборишлари керак.

Ҳукумат маърузасида нон тўғрисидаги, шу йилнинг ўрталаридан бошлаб ана шу энг муҳим маҳсулот нархини ошириш зарурати тўғрисидаги масала алоҳида таъкидланган. Биз буни халқ тушунади, деб умид қиламиз. Рўй-рост айтадиган бўлсам, бу тадбир аслида мамлакатимиз фуқароларининг таклифларига кўра амалга оширилмоқда. Одамлар бир неча йилдан буён ана шу масалани ўртага қўйишаётган эди. Чунки нон шу қадар арзонки, қора терга тушиб, галла етиштираётганимизга яраша эмас. Одамлар мактабларда нонни худди коптокдек тепишаётганини кўриб туришибди. Нон ахлат қутиларга тушиб кетмоқда.

Барча умумий овқатланиш корхоналаримизда нон нес-нобуд қилинмоқда. Ахлатхоналарда қотган-қутган нон бурдалари тўлиб-тошиб ётибди. Нонни сотиб олиб молга бериш мумкин. Ҳолбуки, биз ҳозир мамлакатимизда етиштирилганига қўшимча тарзда хориждан барқарор валютага дон сотиб олиб, мамлакатимизга ташиб келмоқдамиз. Наҳотки шундай қилиш мумкин бўлса. Ахир, бу деҳқонни, ҳаммамизни ҳақорат қилиш-ку.

Жаҳондаги бирорта ҳам мамлакатда нон шунчалик оёқости бўлмаяпти. Америка ва Канадада кўплаб ғалла етиштириб, уни жаҳон бозорида сотишаётган бўлса ҳам, аммо ҳар қалай бир килограмм нон икки доллар туради. Бизда эса нон бир неча тийин туради. Ўғрини ўзингиз таққослаб олаверинг. Айни вақтда бу ўринда биз халқнинг турмуш шароитига дахлдор соҳада бирор бир талафотга йўл қўймасдан ҳаракат қилишимиз зарур. Биз, мабодо нонга бўладиган харажатлар кўпайгудек бўлса, бунинг ўрнини батамом қоплаш тарафдоримиз, айни вақтда аҳолининг турли тоифаларини назарда тутиб, нон истеъмол қилишнинг амалдаги ҳажмларини ҳисобга оламиз.

Мен яна бир масала хусусида тўхталмоқчи эдим: ихтиёримиздаги нон маҳсулотлари ресурслари нон маҳсулотлари таъминотини зарур даражада сақлаб туриш имконини беради. Азиз ўртоқлар, сизга мурожаат қилиб шуни айтмоқчиманки, ваҳимага тушмаслик керак. Келинг, бунга хушёрлик билан реал назар ташлайлик.

Ҳамонки, баъзи жойларда ана шундай кайфият пайдо бўлган экан, давлат идоралари ҳам, жамоатчилик ҳам вазиятни ўз назоратига олиши лозим бўлар.

Яна бир масала бор. Ҳозир олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Иқтисодиётимизни қайта қуришнинг ҳозирги масъулиятли босқичида бир-биримизни яхши тушунишимиз жуда муҳимдир. Ҳар бир коллектив, ҳар бир киши ўз иш жойида гражданлик бурчини ҳис этиб ишлаши учун барча ишларни қилиш лозим.

Ҳозир ҳар хил шартли талаблар қўйилишига, гижгижлашга ҳамда масъулиятсизлик билан қилинаётган даъватларга йўл қўйиб бўлмайди, албатта. Бу барча ишга путур етказиши, ўнглаб бўлмайдиган зарар келтириши мумкин. Жамиятни, халқ манфаатларини кўзламай,аксинча ўз нафсониятини ўйлаётган кишиларни тийиб қўйиш керак.

Ҳозир биз ўзаро ишончга ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳтожмиз. Мен сизларни, азиз ўртоқлар, жипслашишга, биргаликда кучгайрат сарфлашга, бозор иқтисодиётига ўтишнинг машаққатсизроқ йўлларини қидиришга даъват этаман, дарҳақиқат, биз ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишни, халқ турмушини яхшилашни, умуман, қайта қуришимиз, яъни бизнинг янги инқилобимизнинг муваффақиятини бозор иқтисодиёти билан боғламоқдамиз.

Диққат-эътиборингиз учун раҳмат.

Хайр.



⊙ ВАРШАВА. Польшада маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларига сайлов бўлиб ўтди. Сайлов урушдан кейинги йиллар мобайнида илк бор тўла демократик руҳда ва маҳаллий идоралар тўғрисидаги янги қонун асосида ўтди.

Польша президенти Войцех Ярузельский овоз бериш тугаганидан сўнг сайлов ҳақида гапириб, бу ниҳоятда катта аҳамиятга молик воқеа бўлганини айтди. Чунки сайлов энг аввало инсоннинг фаолият кўрсатиши учун кўпроқ имкониятлар очиб беради ва бунинг учун энг яхши воситаларни таклиф этади. Сайлов, деб таъкидлади у, Польшадаги ислоҳотларнинг бундан кейинги тараққиётига, ў

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ.
Ҳар ойда икки марта чиқади.
«Тошкент оқшоми» нашри.

Маҳалладош

Май, 1990 йил.
№ 10 (23).

Маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашида

АМАЛИЙ ГАПЛАР БЎЛДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ маҳаллалар тобора шаклланиб, ўз қиёфаси ва анъаналарига эга бўлиб бормоқда. Ҳозир асосий вазифа уларга етарли шарт-шароитлар яратиб бериш, қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши айнан мана шу масалага бағишланди. Мажлисни кенгаш раиси Қодир Фозилхўжаев қисқача кириш сўзи билан очди.

— Менга маҳалла Низоми лойиҳасини таёрлаш вазифаси топширилган эди, — деди кун тартибидаги биринчи масала юзасидан сўзга чиққан Киров район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси К. Комилов. — Ҳужжат асосан тайёр бўлди, шаҳар Совети Президиуми томонидан ҳам маъқулланди. Сизларнинг фикр-мулоҳазаларингизни инобатга олгач, кўпайтириб маҳаллаларга тарқатиш ниятимиз бор.

— Низом лойиҳаси билан диққат билан танишиб чиққач, баъзи бандларга қониқмадим, — деди Октябрь район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Е. Обидов. — Қўмита раисларига ҳуқуқ берилиши ўрнига кўпроқ вазифалар юклатиб қўйилган.

— Ҳужжатга маҳалланинг молиявий аҳволини акс эттирувчи махсус боб киритилгани айни муддао бўлибди, — деди Тошкент шаҳар Совети қошидаги маҳалла ва уй қўмиталари, шунингдек, жамоатчилик асосида шаклланган ташкилотлар билан ишловчи доимий комиссиянинг раиси Ш. Темуров. — Менимча, турар жой бошқармалари ва уй қўмиталари раисларининг ҳуқуқлари ҳам аниқ кўрсатиб берилиши керак.

Маҳалла Низомининг лойиҳаси муҳокамаси пайтида баъзи қўшимча ўзгартишлар киритиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тошкент шаҳар умумий овқатланиш Бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Зокиров маҳаллалардаги чойхоналар фаолиятини яхшилаш ҳақида гапирди. Унинг фикрича, бу масканлар ҳақиқий оромгоҳга айлантирилмоғи зарур. Бошқарма жамоаси хайрли ишга қўл урди. Ўз шахсий жамғармасидан 186 та чойхонага 156 минг сўмлик ёрдам кўрсатди. Чойхоналарни шолча, телевизор, чинни идишлар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлашга эътибор қучайтирилаяпти. Шунда фақат чойхоналар учун идиш-товоқлар билан савдо қилувчи дўкон бўлиши мўлжалланаяпти. Бошқарма қошида эса махсус бўлим очилиши кўзда тутилган. Чойхона ҳақида Низом лойиҳаси тайёрланди.

— Менда бир таклиф бор, — деди Ҳамза район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Н. Ҳасанов. — Ҳар бир райондан вакил ажратилиб, очилаётган бўлим қошида кенгаш тузилса чойхоналарга эътибор янада қучайган бўларди.

Сергели—2 «Иттифоқ» маҳалла қўмитасининг раиси Н. Зуҳуров, Октябрь районидаги «Обод» маҳалла қўмитасининг котиби А. Абдуллаев, кекса совет ходими, пенсионер Е. Исомиддиновдар ҳам шу масала юзасидан сўзга чиқишди.

«Маҳалладош» рўзномасининг фаолияти ҳақида «Маҳалладош» мухбири С. Шодиевнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби Х. М. Абдураимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

(Ўз мухбиримиз).

Тошкент шаҳар Совети доимий комиссияларида

Низом муҳокамаси

ТОШКЕНТ шаҳар Совети қошидаги маҳалла ва уй қўмиталари, шунингдек, жамоатчилик асосида шаклланган ташкилотлар билан ишловчи доимий комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда комиссия аъзоси К. Комилов йиғилганларни маҳалла Низомининг лойиҳаси билан таништирди. Шундан сўнг муҳокама бошланди. А. Абдумавлонов, Ш. Фахриддинов, Г. Ҳошимовлар Низом маҳалла қўмиталарининг ҳуқуқларини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлишини таъкидлаб, баъзи қўшимча ўзгартишлар киритдилар. Лойиҳа билдирилган фикр-мулоҳазалар билан тасдиқлаш учун Тошкент шаҳар Совети Президиумига тавсия этилди.

Йиғилиш қатнашчилари, шунингдек, вилоятлар, қардош жумҳуриятлардаги маҳаллалар билан яқиндан алоқа ўрнатиш, энг илғор тажрибаларни оммалаштириш масаласини ҳам кўриб чиқдилар.

С. ШОДИЕВ.

Муқаддас бурч

Йигит боши эгилмасин

ШАҲАРДАГИ маҳаллаларнинг бирида яшовчи отахон армияга кетаётган невараси билан хайрлашаётиб:

— Болам, соғ-омон қайт, ҳеч қачон хизматдан бўйин товламагин, — дегани ёдимда. — Биз эркакларга юрт тинчлигини қўриқлашдек муқаддас вазифа юклатилган.

Кўксини жанговар орден ва медаллар безаб турган бу уруш қатнашчиси жуда ҳақ гапларни айтган эди. Зиммасидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилган йигитларимиз Қуролли Кучларимиз сафига жўнаб кетишяпти. Аммо кейинги пайтда содир бўлган ҳунук воқеалардан баъзи ота-оналаримиз юрак олдириб қўйдилар, фарзандларини бағрларига «маҳкам» босишяпти...

Ҳозир армияда ҳам қайта қуриш бормоқда. Давлатимиз аскар йигитлар хизматини кўнгилдагидек ўтаб қайтишлари учун ғамхўрликни кучайтирди. Ўзбекистондан ҳарбий қурилиш қисмларига юборилади ган йигитлар тинч даврда хизматни фақат Туркистон Ҳарбий округида ўтайдиган бўлдилар. Жанговар қисмларда ҳам етарли шарт-шароитлар яратиб берилаяпти. Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари В. Н. Маҳмудовнинг айтишича, армиядаги безорилик ҳаракатлари, муштлашишлар, бир-бирини ҳақорат қилиш каби ярамас одатларнинг пайини қирқиш учун қатъий чоралар кўрилмоқда.

Ҳозир ёш-у кексалар, барча халқлар келажагимизга кўз тикиб турган бир пайтда асамат ўғил ҳеч қачон хизматдан бўйин товламайди, деб ўйлайман. Йигит боши асло уятдан эгилмасин!

Ш. САЪДИЕВ.

Хушхабарлар

Нонуштага оби-нон

⊙ Сергели —3 даҳасидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида ҳашар йўли билан янги новвойхона ишга туширилди. Унинг хизматидан Сергели—6, Сергели—7 даҳаларида яшаётган аҳоли ҳам фойдаланмоқда. Бўрсилдоқ обинонлар нонуштага тайёр бўлаяпти.

Д. РАУПОВА.

Эгизакларга уй берилди

⊙ Пойтахтимиз яқинидаги Навоий номли колхозда Фотима, Зуҳра ва Заҳролар туғилгани ҳақида илгари хабар берган эдик. Тошкент район ижроия комитети эгизаклар учун «Келес» даҳасидан янги жой ажратди. Йўлдошлар онлари кўп қаватли уйларнинг бирига кўчиб ўтди.

М. УРМОНБЕКОВА.

Сардор қайта сайланди

⊙ Усмон Юсупов маҳалласи А. Икромов районидаги намунали жамоалардан бири ҳисобланади. Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида Н. Расулов, К. Миржалолов, Г. Сандов каби фаоллар сўзга чиқиб, ютуқ ва камчиликлар ҳақида атрофлича фикр юритдилар. Қўмита раиси этиб яна А. Одилов сайланди.

М. АКРОМОВА.

«Наврўз»да янги цех

⊙ Октябрь районидаги «Наврўз» маҳалласида 1-пойабзал бирлашмасига қарашли ўқув ишлаб чиқариш комбинатининг иккинчи навбати ишга тушди. Эндиликда яна 56 нафар кўп болали оналар ҳамда уй бекалари иш билан таъминланадилар. Маҳаллада яшаётган юқори синф ўқувчилари ҳам ёзги таътилни шу жойда ўтказишга қарор қилишди.

Д. ЗОКИРОВА.

Пойтахтнинг ўн икки дарвозаси

ҚАШҚАР



ҚАШҚАР — Кўкча, Самарқанд, Камолон дарвозаларига нисбатан тарихий жиҳатдан ёшроқдир. Маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳрининг сўнгги девори XIX аср бошларида Лашкар бегларбеги ҳокимлиги даврида қайта тикланиб, унинг атрофи бўйлаб Қўймас, Кўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч каби 12 та дарвоза қурилган.

Қашқар маҳалла ва шу номдаги дарвоза шаҳарнинг шарқ томонида жойлашган. Дарвозани баъзан Оққўрғон номи билан ҳам юритганлар. Бунинг сабаби бор, албатта. Ўша пайтда ҳозирги 15-шаҳар касалхонасининг территориясида Оққўрғон маҳалласи бўлган.

XIX аср бошларида Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасига қарашли Қашқар маҳалла Аиҳор ариғининг чап қирғоғида жойлашган эди. Шимолда Турк янги шаҳар, ғарбда Ила, шарқда тожик маҳаллалари, жанубда эса Кўқон дарвозаси билан чегарадош бўлган. Аҳолининг аксарият қисми турли пайтларда кўчиб келган Шарқий Туркистоннинг Қашқар вилояти фуқароларини ташкил этганлигини айтиб ўтиш зарур. 130 хонадондан иборат ушбу маҳалла атрофида 2-Қиёт, қозоқ маҳаллалари ҳам бор эди. Инқилоб арафасида бу жойларда эрон озарбайжонлари, руслар ва бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қилишган.

Масжиднинг ички ҳовлисидаги ҳовузлар атрофида сада қайрағочлар барқ уриб ўсарди. Аҳоли қиш пайтлари ана шу ҳовузларнинг сувидан истеъмол этишган. «Муқаддас маскандаги ҳаёт учун зарур бўлган сув жуда эҳтиёт қилинган, тежалган» деб хотирлашади 80 баҳорни қаршилаган Раҳмат ота Мирсаидов ва 76 ёшли Маҳмуд оталар.

— Ота-боболаримиз гўшт, сут ва қатиқни сотиб олмас эдилар, хонадонларда етказиларди, — деди ўтмишни эслар экан 81 ёшли Лутфия ая Умархўжаева. — Менинг болалигим Қашқарга қўшни—Ер тешган маҳалласида ўтган. Эшикларга қулф осилмас, фақат моллар кириб кетмаслиги учун, орқасига тамба қўйиб қўярди эди.

Қашқар маҳалла ва Қашқар дарвоза — ҳозирда «номи бору, ўзи йўқ жой» ҳақида ёзишга шаҳримизнинг ажойиб фуқароларидан бири, Тошкент Давлат дорилфунунининг доценти, ер илмининг устаси Ҳайдар ака Абдуллаевнинг берган маълумотлари ҳам туртки бўлди. «Қашқар ва унинг атрофидаги маҳаллалар Аиҳорнинг тепа қисмидаги Гадранг ариғидан сув олганлар. Шу катта ариқдан тармоқланган кичик ариқлар Қашқар маҳаллага келганда тоғ томонга ўз нишабини олиб оқарди. Ҳозирги Семашко номидаги курортология шифохонаси территориясида қадимда 10-20 кўзли булоқ чиқиб, йиғилиб, энли ариқдан Аиҳор суви билан ёмаён маҳалла орқали ўтарди. Ёзда муздек шифобахш сувда биз, болалар маза қилиб чўмилардик», деб хотирлайди олим.

Қашқар дарвоза ўрни ҳақида икки оғиз сўз. Тарихчиларнинг маълумотларига қараганда, дарвоза ҳозирги милиция олий мактаби яқинида жойлашган. Кўпгина ҳамшаҳарларимиз, асли қашқарлик кишилар билан қилган суҳбатимиздан маълум бўдики, у Урицкий билан Энгельс кўчаси чорраҳаси, яъни Тошкент Давлат дорилфунунининг тарих факультети атрофида бўлган экан. Шу боис бу жой «Дарвоза оғзи» деб номланган.

1937 йилга келиб, шаҳарни ободонлаштириш ва кенгайтириш мақсадида Қашқар маҳалласининг бир қисми бузилиб, унинг ўрнида мактаб, касалхона ва турли муассасалар қурилди. Аҳолининг кўпчилигига «Бодомзор»дан иморат учун ер ажратиб берилди. Тошкент зилзиласида Қашқар маҳалласи ва унинг атрофи катта талофат кўрди. Шундан сўнг маҳалла ўрнида кўп қаватли турар жой бинолари қад кўтарди.

Бу гўша ўзбек-озарбайжон халқларининг севимли шонри Мақсуд Шайхзода яшаганлиги учун яна ҳам тарихийдир.

Б. АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди.

Фойдали мулоҳот

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

— ОНАҲОН, мабодо кеча шу жойдан бирорта нотаниш киши ўтганини кўрмадингизми?

— Биттасига кўзим тушди. 20-25 ёшлар чамасидаги узун бўйли, қотмадан келган эди. Бу бегона йигит маҳалламизда нима қилиб юрибди экан, деб ўйлагандим. Айтмоқчи, юзида чандиғи ҳам бор эди, шекилли...

Буни қаранки, изқуварлар картотекани кўздан кечиришса аёл таърифлаган йигит қайд қилинган экан. Ҳеч вақт ўтмай жиноятчи қўлга олинди.

Кейинги пайтда жиноятларнинг 90 фоизи маҳалла аҳли, жамоатчилик ёрдамида очиляпти. Шунга қарамай ҳунук воқеалар тез-тез содир этилмоқда. Масалан, Киров районининг ўзида шу йилнинг 4 ойи мобайнида 1000 га яқин ҳуқуқбузарлик ҳолатлари — рўйхатга олинган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп демакдир. Хўш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш учун кўпроқ нималарга эътибор бериш зарур?

Яқинда район ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг «Қашқар» маҳалласи аҳли билан учрашуви ана шу масалага бағишланди.

— Айниқса уйни тунаб кетиш, автомобиль ўғирлаш, жонга қасд қилиш каби жиноятлар кўп содир этилмоқда, — деди район ички ишлар бўлимининг ўринбосари Алайдар Аҳмедов. — Шу йилнинг ўзида 6 та жиноятчилар уюшмасини қўлга олишга муваффақ бўлдик. Аччинарлиси шундаки, ёшлар ҳам шу йўлга кирмоқдалар. Бунга асосий сабаб назоратнинг бўшлигида. Қани айтингчи, бола ярим тунда кўчада қандай иш билан шуғулланади? Катталар эса бефарқ, фарзандларини тергамайдилар. Гоҳида, шуларнинг ҳам ота-онаси бормикан, деб ўйлаб қоласан, киши.

— Рўй бераётган ҳодисаларда фақат ота-оналарни айблаш адолатданми? — савол берди учрашув қатнашчиларидан бири. — Ахир аҳоли осойишталигини таъминлаш милициянинг асосий вазифаси-ку.

— Жуда тўғри айтдингиз, — суҳбатга қўшилди ички ишлар бўлимининг ходими Мансур Тожибоев, — Афсуски, бизда ходимлар етишмайди. Қонда бўйича 4 минг аҳолига битта милиционер тўғри келиши керак. Амалда эса районимизда бу рақам 10 минг кишини ташкил этмоқда. Шунинг учун биз кўпроқ маҳалла аҳлининг кўмагига таяниб иш кўрамиз.

Жиноятга кўпинча ёшларимизнинг аралашиб қолаётгани тасодифий ҳол эмас. Бунда катталарнинг ҳам айби бор. Масалан, кўчада 5-6 ўсмир безорилик қилиб, ўтганнинг ўроғи-жо, кетганнинг кетмонини олиб турганини кўрсак ҳам кўрмасликка оламиз. Ахир ҳозир дадил ишга киришадиган вақт келди-ку.

Учрашувда сўзга чиққанлар районда жиноятчиликни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ғ. ЮСУПОВ.

Тоживой тажанг шаҳар кезади



«Унутилган» даҳа

ИНИМНИ йўқлаб «Соцгородок» даҳасига ўтгандим. У уйида йўқ экан. Муюлишда кутиб тургандим, қўлида иккита халта тўла сабзавот мевалар билан келиб қолди.

— Бир маҳаллага етадиган маҳсулотни нима қиласан? — деб ҳазиллашдим.

— Бу ерда янги-янги сотиб оладиган бозор бўлмаса, бир борганда кўпроқ келтирамандэ, — деди ниним чуқур «уф» тортиб.

— Нимасини сўрайсиз, амаки, — деди унинг ортидан келаётган бир келинчак, — ҳатто ип-игна учун ҳам шаҳар марказига борамиз. Бу ерда туппа-тузук саноат моллари дўкони бор эди. Енига уй қурилаётганда негадир бузиб ташлашди. Райижроқўмлагилар уй битсин, янгисини қуриб берамиз, дейишганига беш йил бўлди. Билсак, ҳали режалаштирилмапти ҳам.

Иним билан йўловчининг ноласини эшитиб сочим тикка бўлди. Хўш, нега Куйбишев райижроқўмининг мутасаддилари бу даҳага шарт-шароит яратиб бермай, ўгай кўз билан қарашмоқда? Ажаб эмас, зора шу сўзларимдан таъсирланиб, ёрдам қўлларини чўзиб юборишса.

Тоживой тажангга
С. БАДРИДДИНОВ
ҳамроҳ бўлди.

Бу—қизиқ

Энг баланд ва узоққа

КИМ энг баланд ва узоққа сакрай олади? Бу соҳада отлар рекорд қўйган. 1949 йил Чилида Ларгибель исмли суворий Хауза лақабли ўн беш яшар отида 2 метр 47 сантиметр баландликка сакради. Бу отнинг устидаги суворийси билан бирга сакраш рекордидир. Суворийсиз от бундан ҳам баландроқ сакрай олади.

Узунликка (узоққа) сакраш бўйича чемпион ҳам — от. Бу соҳада қўйилган рекорд — 11 метр-у 28 сантиметр. Лекин 1975 йили Европанинг энг яхши суворийлари учун Майзенлайм хатта соврини ўйналганда янги рекорд қўйилди. ГФРдан келган суворий К. Бергман ғолиб чиқди; у Свингера лақабли отда хода девор ва зовур оркали... 22 метр-у 16 сантиметрга сакради.



«БУ ҲОСИЛДАН ТАТИШ ҲАМ НАСИБ ЭТСИН...»
Х. Мирзакаримов сурат лавҳаси.

⊙ ЖУРЖОНИЙ маҳалласи ўзининг ажойиб урф-одатлари, софдил ва меҳнатсевар кишилари билан Акмал Икромов районида обрў қозонган. Хонадонлардаги аҳиллик ва ҳамжиҳатлик туфайли онлаларда тотли турмуш қарор топмоқда. Маҳалла ёшлари доимо кексаларни ҳурмат қилишади, турмуш қийинчиликларини отахон ва онахонларнинг доно маслаҳатлари билан ҳал этишади.

СУРАТДА: маҳалладаги бахтёр онлалардан бирини кўриб турибсиз.

С. Маҳкамов сурати.



Маҳалладош — ГАЗЕТА ТАШКЕНТСКОГО ГОРОДСКОГО СОВЕТА ПО КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛЯ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 32-53-66, 33-99-42, 32-54-15.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ



«ПУШТИ ҲАММОМ» маҳалласида «Шарқ гули» бадиий буюмлар фабрикасининг дўппи цехи ишлаб турибди. Цехда шу атрофда яшаётганлардан ташқари С. Раҳимов районидаги «Тинчоб», «Баҳодир», «Алоқа», Ҳофиз Кўҳақий маҳаллаларидаги аёллар ҳам ишлашяпти. Пешқадам чеварлардан бири Иноят Тўхтасинова ойлик режаларини 130-140 фоизга етказиб адо этмоқда.

СУРАТДА: И. Тўхтасинова. Д. Аҳмедов сурати.

Таклифлар, мулоҳазалар, танқидлар

⊙ Ёнма-ён яшаётган икки ўзбек оиласини таққослаб кўрамиз. Бири замонавийлашган, аммо етишиб чиққан фарзанд салом беришга ярамайди. Бошқа томонини қўяверинг. Иккинчи оиладаги бола эса доим катта-ю кичикка ҳурматда, одобли, ҳавас қилса арзигудек. «Маҳалладош»да ана шундай оилаларни бир-бирига қиёслаб, тарбия сирларини ёритиб бориш зарур.

Б. ҚУРБОНГАЛИЕВА, Д. ЭРХОНОВА, Х. ВАЛИМУҲАМЕДОВА,
Тошкент устки трикотаж фабрикаси ишчилари.

⊙ Пойтахтдаги Зиё Саид кўчасида яшаётган Исмоил Қаландаров табаррук 90 ёшни қаршилади. Пиру бадавлат отахон умр йўлдоши Азиза ая билан 44 йил бирга умр кечириб келишаяпти. Шу кунларда қўша қариётган бу кексаларни фарзандлари, невара-чеваралари, яқин кишилари йўқлашмоқда.

Б. ЭГАМБЕРДИЕВ,
журналист.

⊙ Маҳалламизнинг бирор жойида телефон автомати йўқ. Ҳеч бўлмаса қўмита идорасига ўтказиб беришларини сўраб, бир неча марта райижроқўм ва алоқа тармоқлари бўлимига мурожаат қилдик. Афсуски, талабимиз инобатга олинмаяпти. Телефон зарур бўлиб қолганда, маҳалла аҳли қачонгача зир югуриб юришади?

Х. ИНОҒОМОВ,
С. Раҳимов районидаги «Ҳасанбой» маҳалла қўмитасининг раиси.

Мактуб йўлга чорлади

Жавобдан қониқмадик

Ҳурматли «Маҳалладош» рўзномаси! Тахтапул даҳасидаги тўртта маҳаллада уч мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Собир Раҳимов бекатига мева ва сабзавот дўкони зарурлигини сўраб, юқори идораларга кўп мурожаат қилдик. Ниҳоят, 1987 йил 6 июлда Октябрь район ижроия қўмитасининг бекатга дўкон қуриш ҳақидаги қарори чиқди ва уни назорат қилиш райижроқўм раисининг муовини Т. И. Орешинага топширилди. Афсуски, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон ўзгариш йўқ. Наҳотки битта дўкон қуриб бериш шунчалик қийин бўлса?

Э. ҒУЛОМОВ,
«9-Тахтапул» маҳалла қўмитасининг раиси.

БИРГИНА бу эмас, кейинги пайтда Октябрь районидаги маҳаллаларда кўплаб масалалар ўз вақтида ҳал қилинмаётгани учун редакциямизга шикоятлар тушмоқда. Бу арзномаларнинг асосий қисми чора кўриш учун йўлланаяпти, аммо негадир ўз вақтида жавоб ололмаяпмиз. Мана, қўлимизда ўндан ортиқ мактублар. Куюнчаклик билан ёзилган сатрларда камчилик ва муаммолар тилга олинган. Масалан, пенсионер Мукаррам Камолова Чорсу даҳасида қурилишлар сабаб бўлиб, кўзи беркитилган шифобахш «Уккоша» бўлоғи ҳақида, муштариймиз Муҳиддин Отахонов Халқлар Дўстлиги майдони яқинидаги Фурқат кўчасига қувурлар ўтказилгач ўрни кўмилмай, одамлар ўтишга қийналишаётгани тўғрисида шикоят йўллашибди. Комаров кўчасида истиқомат қилувчи Соҳиба Самадова эса «Авангард» маҳалласи орқали ўтадиган 27-автобус белгиланган вақтда келмай, кексалар ва ёш болали аёллар бекатда 40—50 минутлаб кутиб қолишаётганини маълум қилган. Биз ана шундай мактубларга оғзаки жавоб олиш мақсадида район ижроия қўмитаси раисининг муовини Т. И. Орешина билан суҳбатлашмоқчи бўлдик.

— Сиз қизиқ экансизку, бундай масалаларни дарров ҳал қилиб бўларканми? — деди Тамара Ивановна даб-дурустдан. — Аввал бўлим мудирлари, мутахассислар билан маслаҳатлашишим керак. Шикоятларни қолдириб кетаверинг, кўриб чиқиб жавоб йўллаймиз.

— Редакция ходими билан бундай муносабатда бўлаяпсиз. Ҳузурингизга оддий меҳнаткаш кирса, ишини қандай битиради?

— Хотиржам бўлинг, улар билан тезда тил топишамиз.

— Арзномаларга муовин сифатида шахсий фикрингизни ҳам билдиролмайсизми? Мана, райондаги Якубовский кўчасида яшовчи М. Зокиров, «Калинин — 2» кўчасидан Ф. Муҳиддинова, «Маориф» кўчасидан М. Ҳидоятов ва бошқалар февраль ойидан бери редакцияга йўллаган шикоятларига жавоб олишолмаяпти. Шунинг учун тўғри олдингизга келдим.

— Хўп, яхши. Айтингчи, битта дўкон қуриш учун қанча маблағ сарфланишини биласизми? — кутилмаганда савол берди Тамара Ивановна.

— Мутахассис эмасман-у, ҳар ҳолда катта-кичиклигига қараб турли миқдорда кетса керак.

— 50 минг сўм! Шунча пулни қаердан оламан?!

— Бошқа мазмундаги шикоятларни ҳам изоҳлаб берсангиз.

Тамара Ивановна бир ёққа шошиб турганини рўкач қилиб, бизга ёрдам бериш учун район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Ёдгор Обидовни чақиртирди.

Ҳар бир хат ортида инсон бор, деймиз. Шундай экан, нега буни Октябрь район ижроия қўмитасидаги мутасадди ўртоқлар, шахсан Орешина чуқур ҳис қилмаяпти. Қолаверса, ҳозир Советларга катта ҳуқуқ ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Улардан қай даражада фойдаланиш ходимларга боғлиқ.

Хуллас, райижроқўм биносидан кўнглимиз тўлмай чиқдик. «Советлар қачон янгича иш услубига ўтадилар? Шикоят йўллаган маҳалла аҳли яна қачонгача жавоб кутади?» Йўлда бизга шу каби саволлар ҳеч тинчлик бермасди. Бу ҳақда район Совети ижроия қўмитасининг раҳбарлари фикр билдиришади, деган умиддамиз.

Д. САЪДУЛЛАЕВ.

Марҳамат, сўрайверинг

Эр-хотин турмуш кечирган даврларида бирга олинган мол-мулк, улар ажрашишса қандай тартибда бўлинади? Бундай ҳолда ҳадя ёки мерос кимники бўлиши керак?

Д. МИРЗАЛИЕВ.
Тошкент районидаги Чувалачи қишлоғида яшовчи.

Эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари умумий ҳисобланади. (Ўзбекистон ССР никоҳ ва оила кодекси, 25-модда). Аёл (эр) уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлганлиги туфайли ёки бошқа узрли сабабларга кўра бирон ерда ишламаган ва маош олмаган бўлса, у ҳолда ҳам мулкка эр-хотин баравар эгадирлар. Бундан ташқари, турмуш давомида эркак киши томонидан бирор мулк (масалан машина) орттирилган бўлса, у ҳар икковига тегишли ҳисобланади.

Эр-хотиннинг никоҳга қадар, шунингдек, никоҳ давомида ҳадя ёки мерос тариқасида олган мулклари ҳар бирининг ўзларига тегишли эканлигини таъкидлаш зарур. Агар мол-мулк масаласи келишиш йўли билан ҳал қилинмаса, у ҳолда район халқ судига даъво аризаси билан мурожаат қилиниши керак.

А. ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

* * *

Боғимизда уч туп эртаги олма дарахти бор. Ҳозир меваси пишай деб турибди. Ҳар йили энди оғзимиз тегадиган пайтда ҳосилига қурт тушади. Айтингчи, олмани нега қурт ейди?

Д. СУЛТОНОВ,
«1-Отчопар» маҳалласидаги Гвардия кўчасида яшовчи.

Энди олма еяётганда ичидан қурт чиқиб қолса, ҳақиқатан бундай саволнинг кўнглингиздан ўтиши табиий. Бу — мевахўр капалакнинг қурти. Улар олма дарахтининг пўстлоғи остида (баъзилари мева, сабзавот сақланадиган омборларда) қишлаб чиқади. Баҳорда эса, олма гуллаган пайтда ғумбакка айланиб, 2—3 ҳафтадан кейин капалак пайдо бўлади. Капалаклар кундуз куни кўринмайди: дарахтнинг шох-шаббасида — туғилган жойида жимгина ўтиради. Кун ботгандан кейингина қанот ёзади ва гул тугунчаларига қўниб, унинг атрофидаги баргларга 160 тагача тухум қўяди.

Мева ўсиб етила бошлайди, капалак тухумларидаги қуртлар ҳам ривожланади. Олти-ўн беш кун ўтгач, тухумлардан қурт чиқади ва олмани тешиб, ичига жойлашиб олади. Улар дастлабки кунлари олманинг этини ейди, кейин уруғига навбат етади. Қуртлар каттароқ бўлганларидан кейин, қўшни олмаларга ўрмалаб ўтиб уларни ҳам ишдан чиқаради. Кузда улар олма (мева)дан дарахт шохлари ва танасига ипда осилиб тушиб, тешик-ёриқлардан пўстлоқ остига ўтади ва шу ерда қишлайди.

Олмага қурт тушмаслиги учун мутахассислар кўрсатмаси бўйича дарахтни ўз вақтида дорилаб туриш керак.

А. ЖАВҲАРОВ,
кекса биология ўқитувчиси.

Уй-рўзғор ташвишида

Чўян идиш муаммоси

Узбек ошхонасида азалдан чўян идишлар тутилган. Чўян қозонининг оши ширин, чойи таъмли бўларди. Аммо, сўнгги йилларда савдога улар ўрнига алюмин идишлар чиқарила бошланди. Хўжалик дўконлари пештахтасида оппоқ, кумушдек ялтираб турувчи қозон, товоқ, лаган, чойнак, қошиқ, ҳатто чойқошиққача бор. Аммо бу идишлар ўтга тушганда, плитага қўйилганда тезда қорайиб кетади. Айниқса, алюмин қозон ёғ доғлашга ярамайди. 5-10 марта ош қилсангиз таги-ичини кул босиб, қорайиб кетади. Уни тозалаш мушкул. Чўян қозондек ўтда куйдириш мумкин эмас, эриб кетади. Ошхонамизга чўян идишлар яна чиқариладими!

С. ШАМСИЕВА,
Тошкент шаҳри, Лисунов кўчасида яшовчи уй бекаси.

РЎЗНОМАМИЗГА мактуб йўллаган куюнчак онахоннинг саволига жавоб беришни Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бирлашмаси халқ истеъмоли буюмлари бўлимининг бошлиғи Ю. Ханкердан илтимос қилдик.

— Тўғри, кейинги йилларда корхонамизда алюмин идишларнинг тури кўпайди. Биз нафақат пойтахт аҳолиси, балки жумҳурият, ҳатто Иттифоқимиздаги кўплаб савдо марказларига маҳсулот етказиб бераяпмиз. Алюминдан тайёрланган рўзғор буюмлари ихчам, енгил, шу билан бирга арзонлиги билан қулайдир.

Биз тайёрлаётган маҳсулотлар ўтга тушганда нега қорайди? Менимча, бунинг олдини олиш учун қозонда таом пиширилгандан сўнг оддий гигиена талабларига эътибор бериш керак. Эътибор берган бўлсангиз, ҳатто тоза ювилмаган чинни пиёлани ҳам доғ босиб қолади. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Истеъмолдаги пахта ёғи аслида тозаланмаган. Уни бир йўла кўпроқ доғлаб олган маъқул. Шунда қозон ортиқча қораймайди, ошхона ва хонадон ҳам озода сақланади.

Корхонамиз ҳар ойда аҳолига 1 миллион 198 минг сўмлик истеъмол буюмлари етказиб бераяпти. Уй бекаси С. Шамсиеванинг талабига келсак, бу борада фикрим шундай: кўп қаватли турар жой бинолари кўпайиб, шинам ошхоналар, газ печкаларнинг пайдо бўлиши оғир чўян идишларни турмушдан суриб чиқармоқда.

Д. ОБЛАЕВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: муштарий С. Шамсиева юқоридаги хатида яхши масалани ўртага қўйгани кўриниб турибди. Чўян қозонда ош ширин, чой таъмли бўлар экан, арзоннинг шўрваси татимас дегандек уй-рўзғор буюмларини фақат алюминдан тайёрлаш қатъий қонунлаштириб қўйилганми? Шу нуқтаи назардан Ю. Ханкернинг юқоридаги «маслаҳат»дан иборат жавоби, тўғриси бизни асло қониқтирмади. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ истеъмоли буюмлари бўлими бу масала хусусида жиддий ўйлаб кўради, деган умиддамиз.

Кўпнинг кенгашига

СОВЧИЛИККА... ЙИГИТНИКИГА

АВТОБУСДА кетаётиб курсдошим Дилбарни кўриб қолдим. Орадан неча йиллар ўтган бўлишига қарамай, ҳалиям ўзгармабди. Бодом қовоқларига кулгичи ярашган, ҳаёли, ширинсўз... Гап орасида «Кичкиналар чопқиллаб юришиодими?» деб сўрадим. У мийиғида кулиб қўйди-ю, индамади. Ҳали турмушга чиқмаганини англаб, жуда хижолатда қолдим.

— Сиз йигитларга яхши, — деди Дилбар ўртадаги ўнғайсизликни йўқотиш учун, — кўнглингизга ёққан қизга сўз қотасизлар, орага одам қўйиб, ахир мақсадга эришасизлар. Бизларчи?..

Нима дейишимни билмай қолдим. Суҳбат бошқа мавзуга кўчди. Манзилга етгач бекатда тушиб қолдим. Лекин шундан бери курсдошимнинг гаплари менга тинчлик бермай қўйди.

Ҳақиқатан ҳам қаллиг танлаш бобида йигитларга анча осон. Севишгани, аҳдлашгани бўлмаса, уйдагилар совчи бўлиб бориб ишни пиширишади. Шу пайтгача бирорта қиз биринчи бўлиб йигитга хат ёзиб, севги изҳор қилибди ёки совчи юборибди, деган гапларни эшитмаганман. Қолаверса, қизларимиздаги орият ва иффат кучли.

Шундай экан, масалани қай йўсинда ҳал қилиш мумкин? Ўзига муносиб ёр билан турмуш қуриб, бахтиёр умр кечириш, қизларнинг ҳам ҳаётдаги энг олий орзуси эмасми? Баъзан тўй бўлаётганда «Эссиз, шу қиз тенгини топмади-да», деган гапларни эшитиб қоламиз. Сир эмас, аслида ҳам шундай. Ёши ўтиб кетаётганига ачиниб, кўнглининг бир чети оғриниб турса-да, эрга тегишга розилик бераётганлар йўқ эмас.

Маҳалламизда Умри деган кекса аёл бор. Одатда ўғил уйлантираётганлар унинг олдига маслаҳатга келишади. Чунки, онахон келин тушадиган хонадоннинг пастбаландини яхши билади, шунга яраша оила топа олади. Тўй-ҳашамлар ёки бошқа йиғинларда унинг овозини эшитиб қоламан.

— Лазокат, инженер ўғлингни уйлантирасанми, «Кўктерак»даги Йўлдош карнайчини қизига бор, муаллимликни битирган, бирам чеварки. Онаси ҳам мулойим табиатли, худди ўзингга ўхшайди.

— Санобар, келаси ҳафта «Ўткун»даги Ортиқ бригадирникидан қизингни сўраб келишади, йўқ дема. Ўғли устачилик қилади, қизингга жуда мос...

Қани энди бошқа маҳаллаларда ҳам Умри холага ўхшаб савоб, хайрли иш учун жон куйдирадиган кишилар кўпроқ бўлишса. Шунда энг оғир табиатли, камсуқум, одобли қизларимиз уйда «ўтириб» қолишмасмиди.

Бошқа томони ҳам бор. Ҳар бир инсон, шу жумладан қизлар ҳам ўз бахти, келажаги учун курашиши керак деймиз. Хўш, қандай қилиб? Сизларнинг фикрингизга муштоқмиз, азиз маҳалладошлар?

С. ШАМСИДДИНОВ.

Умрбоқий меросимиз

СОПОЛ ХУМ

«КЎКЧА» даҳасининг «Бекобод» маҳалласида холам яшайди. Эски дарвозадан ичкарига кирсангиз, ҳовли тўрида каттакон хум турарди. Кўп нарсаларни билувчи поччам унинг атрофида икки-уч марта айланиб, мақтаб қўярдилар.

— Қаранглар, тошдан ҳам қаттиқ, бунга бир тонна, яъни минг кило ғалла сиғади. Энди эса, бир жойда турганитурган, раҳматлик отамдан мерос. Ҳамма нарса сероб замонда яшаяпмиз. Жамғармай, оз-оздан сотиб олиб келаверамиз. Ишқилиб баракасини берсин...

Поччамнинг тушунтиришига қараганда, ғалла учун мўлжалланган хумга сира мита тушмас экан. Бундан кичикроғида гўшт, ёғ, турли ширинлик-шиннилар сақланган. Қишда совуқ, ёзда иссиқ ўтказмас хум, хумча ва сопол кўзалар кишини ҳайратга солади. Кулол қўлида жонланиб, хумдонда пишган бундай идишларни музейлардаям учратганмиз. Хиллари кўп. Бу қадимий санъат туридир.

Бир куни хум рўпарадан четроққа олинадиган бўлди. Мен: «Барибир ундан фойдаланмаяпсизлар, яхшиси музейга топшира қолайлик», дедим. Холам кўнмади. Поччам: «Биздан ош-нон тиламайди, қизиқувчилар бўлса уйимизга келиб кўришаверади», — деб ранжидилар.

Қўшни йигитлар йиғилишди. Хумни кўтаришаётганда ёрдамлашдим. Аранг жойидан қўзғатган эдик ҳамки, кутилмаганда қоқ ўртасидан бўлиниб, икки томонга қулаб тушди. Бошқа жойлари синмай омон қолди. Поччам ерга сочилиб тушган буғдой доналарини териб оларкан: «Ҳа майли, бўлган иш бўлди. Мана бунақа буғдойни сира кўрганмисизлар? — деди кўз-кўз қилиб. Марвариддек йирик, оппоқ доначалар киши ҳавасини уйготарди. Бу эса, поччамнинг хум ҳақидаги ҳикоясини тўла исботлаб турарди. Буғдой қачон солинганини хонадондагиларнинг бирортаси билишмас эди.

Ҳаммамизни хумнинг синиши ажаблантирди, Поччамдан сўраб, бунинг сирини билиб олдим. Ишлатилмай, бекор турган ҳар бир буюм мўрт бўлиб, албатта бир кунмас бир кун ана шундай аҳволга тушаркан.

Қўшни йигитлар тарқалишди. Хум бўлакларини қўш синч, эски уй деворига тираб қўйдик.

— Чойнак, пиёла, лаганларни чегалаб қўйишганини биламан. Хумни ҳам шундай қилиб бўлармикан? — деди поччам узоқ хаёл сургач менга юзланиб. Бирдан ёдимга таъмирловчи усталар келди.

— Топдим! — деб юборибман севинганимдан. — Барибир энди синган хум сизга керакмас, келинг, уни эртагаёқ топширамиз. Бу фикримни холам ҳам маъқулладилар.

Шу ҳақда музейдагиларга айтгандим, бўлакларини йиғиб таъмирлаш хонасига келтиришди. Орадан бир йилча вақт ўтди. Поччам мени ҳар кўрганда хум ҳақида сўраб турарди. Хуллас, унинг аслига қайтарилганини эшитдим-у, поччамнинг ҳузурига шошилдим. Хушхабардан у киши яшнаб кетди ва тезда кийиниб ташқарига чиқди. Ортидан холам иккимиз эргашдик.

Музейнинг кенг хонасида қайси бир кулол қўлида қайта жонланган хум турарди. Кўргазмалар билан таништираётган аёлнинг сўзларини тинглаган холам поччамнинг қулоғига аста шивирлади:

— Хумга қўшиб, исм-шарифингизни ҳам тилга олиб ўтди.

— Ҳа, эшитдим, — деди поччам ва хумни энди кўраётган томошабиндек синчковлик билан назар ташлади. Унинг синган жойи тузалаётган бемор жароҳатига ўхшарди. Шу пайт кўргазмалар осойишталигини кузатиб юрган музей хизматчиси олдимизга келиб:

— Бу ноёб хумга қўлингизни теккизаверманг. Уланган жойи бўлиниб кетмасин тағин, — деганди, поччам силаб турган бармоқларини тортиб олди. У ҳечам ранжимади. Аксинча, отасидан қолган мерос иккинчи умрини яшаётганидан кўнгли таскин топган эди.

М. РАМАЗОНОВ.

Ўйлаб кўрса бўлади

ИМОРАТБОП ЁҒОЧЛАР ЎЗИМИЗДА-КУ!

ЯНГИ «Ўриксор» даҳасига йўлим тушган эди. Кўпчилик иморатларнинг деворини кўтариб қўйишибди. Аммо устини ёпишга ёғоч ва тахта топишолмаётган экан.

Менда бир таклиф бор. Пойтахтимиздаги боғ, хиёбон ва кўчаларнинг четларида бундан 20-25 йил илгари экилган терак, қарағай, қайин, чинор каби дарахтлар бор. Ҳозир уларнинг кўпи етилган, агар қирқиб олинмаса қуриб ёки чириб, ўтиндан бошқа нарсага ярамай қолади. Бундай дарахтларни «Олой» бозори автостанцияси билан «Жасорат» ёдгорлиги оралиғидаги 5 гектарга яқин ўрмонзорда кўриш мумкин. Шу жойнинг ўзидан 50 та иморатни ёғоч билан таъминласа бўлади. Эътибор берсам бўйи 20-25 метр келадиган баъзи дарахтлар қуриб, сўна бошлабди. Абдулла Набиев боғи, Тошкент Давлат дорилфунуни, Абдулла Қодирий кўчасининг икки четида ҳам шундай манзара кўзга ташланади.

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси иморатбоп дарахтларни аҳолига арзон нархда сотишни, қарзга беришни йўлга қўйса икки томонлама фойда кўриларди. Биринчидан, иморатлар тикланса, бошқа томондан тарвақайлаб кўча ва уйлар олдини тўсиб ётган дарахтларнинг ўрнига ёш ниҳоллар эккан бўлардик.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
Ибн Сино даҳасидаги 18-уй қўмитасининг раиси.



⊙ МИЛЛИЙ урф-одатларимиз гўзаллиги билан киши эътиборини тортади. Бирор тантана сабаб, маҳалла аҳли йиғилиб қолганда куй, қўшиқ, лапар, рақслар ижро этиб, кўнгил ёзиш одат тусига кириб бормоқда.

«Маҳалладош»га жавоб берадилар

«ҲАЛИ ИШ БОШИДАМИЗ»

«Маҳалладош»нинг шу йил 29 март 6-сонида чоп этилган ана шу сарлавҳали мақолада «Озод», «Пахта» кўчаларида ва бошқа айрим жойларда ўтказилган кўчатлар қаровсизлиги, айримлари қуриб қолаётгани, бу ерларда суғориш тармоқлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ва бошқа хил нуқсонлар тилга олиб ўтилган эди.

Бу мақола текшириб, чора кўриш учун Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетига юборилган эди. Унинг раиси Н. Раҳимбердиев имзоси билан олинган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

— «Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети «Сайловдан кейинги ўйлар» рубрикаси остидаги «Ҳали иш бошидамиз» сарлавҳали мақолани кўриб чиқиб шуни маълум қиладики, район ободонлаштириш бошқармаси шу йилнинг уч ойи давомида 2670 та мевали дарахт кўчатлари ўтқазди. Асосан янги боғлар ташкил қилинди. Тошкент Ҳалқа йўлида, «Мухбир» хиёбони ва бошқа жойларда қуриган дарахтлар ўрнига янгилари ўтқазилди.

Мақолада номи қайд этилган «Озод», «Пахта» кўчаларида дарахтлар агротехник парвариш қилинди ва қуриганлари олиб ташланди. Суғориш тармоқлари эса доимий назорат остига олинди.

Мақолада кўрсатилган 26-болалар боғчаси ҳақиқатан ҳам уч гуруҳдан иборат бўлиб, 61 бола қатнайди. Ҳар бир болага етарли даражада алоҳида майдон етишмасли туфайли ва алоҳида ухлаш хонаси йўқлиги учун район санитария-эпидемиология станциясининг руҳсати билан икки қаватли каравотлар қўйилган.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида каравотларга сим тўрлар ўрнатилган.

Райондаги 14-озиқ-овқат магазини масаласига келсак, ҳозир унда сут маҳсулотлари етарли миқдорда сотилмоқда.

Бундан ташқари ҳар якшанба кунлари сут маҳсулотларининг ҳилма-хил турлари келтирилиб турибди. Бу озиқ-овқат магазини қаттиқ назорат остига олинган».

Ёдномалар

ТЕРАН ТОМИРЛАР



⊙ Муҳожир танишимнинг ўзбек деганда «Баҳор» қизлари кўз олдимга келади деган гапи ҳали қулоғим остида жаранглайди. Рақсимизни рақс қилиб, сайқал бериб дунёга ёйган Мукаррама Турғунбоева ҳақида кўп илиқ гаплар айтилган, ҳатто тасвирга ҳам туширилган. Қанча кўп гапирилмасин (аксарият туғилган кунларида) опа рақс усулининг очилмаган қирралари, муҳими рақс маданиятида қолдирган мероси ниҳоятда катталиги ойдинлашиб қоляпти. Опанинг рақс санъатига ташлаган уруғи катта илдиз отиб, эндиликда унинг томирлари теранлашиб бормоқда. Бугун Мукаррама опа таваллудининг 77 йиллиги муносабати билан яна унинг шогирдлари, аниқроғи қизлари даврасидамиз.



АВВАЛДАН айтиб қўяй, опанинг қирқта қизи борлиги маълуму, аммо уларнинг кимлиги ҳаммага ҳам аён эмас. Хўш, уларнинг ҳам оиласи борми, рақсосалар қандай тарбия кўрган бўлиши керак? Бу саволларга Мукаррама опа ҳаёт бўлганларида қандай қарардилар. Эҳтимол, қизлари ҳақида кўп ёзмаганимиз ё эшитмаганимиз учун ҳам уларни яхшироқ билмасмиз. Ачинарлиси эса, кўп ҳолларда ҳамма ота-она ҳам қизининг раққоса бўлишига рухсат беравермайди. 70 йилдан кейин ҳам бу тушунчанинг дилимизда қотиб тураверишига сабаб яна ўша рақс санъатини етарли даражада тушунмаслигимиз, уни «енгил ҳаёт» деювчиларнинг кўпайиб кетгани эмасми? Умуман ўйинчи ҳақида нима биламиз? Опанинг қизлари билан шу йўсинда суҳбат қурдик.

— Ота-она меҳрини билмай ўсувдим, — дея хотирлайди улардан бири Гулсум Ҳамроева. — Хореография билим юртини тугатгач, опа мени «Баҳор»га қабул қилдилар. Нафақат қабул қилиб олдилар, балки ҳам оталик, ҳам оналик меҳрини бердилар. Тарбия бобида нозик ўгитларни уқтирдилар. Гастроль сафарига чиққудек бўлсак, кўпчилик қатори менда ҳам тузук кийимим бўлмасди. 1965 йили биринчи бор узоқ сафарга — Африка давлатларига отландик. Эгнимда кийимнинг йўқлиги ташвишга соларди. Опа ўшанда атлас кўйлак тикдириб бердилар. Сафардан қайтгач ҳам уни кўзимга суртиб кийганим ёдимда. Бундай хайрли ишдан сира толмасдилар. Камбағалгина, оддий ўтаётган никоҳ тўйимга опанинг келишини кўп ҳам кутмаган эдим. Юзларига табассум ёйилиб, қўлтиғига бир кийимликни қистириб ҳаммадан олдин кириб келдилар. Ана ундаги қувончим... ҳаётда бир марта ўтадиган никоҳ оқшомида менга чинакам бахтни туҳфа этдилар...

Икки оғиз сўз Гулсум Ҳамроева ҳақида. Гулсум рақсга бўлган қизиқиши билан йигирма йил олдин опа муҳаббатини қозонди. Устози ҳаракатидаги нозик қирраларни назарий жиҳатдан опа рақс тарихида илк бор оммавий халқ рақсини кашф этган эди. Гуржи йигитларининг ўйинларидаги шахдамлик, оёқларининг сеҳрли ташланиши-ю, ўзига хос магрурона қомати кимнинг эътиборини тортмайди дейсиз. Ўзбек рақс санъати эса қизларнинг бир хилда назокатли, жозибадор ҳаракатлари билан дунёга машҳур бўлди. Унга 1957 йилда Москва фестивали таассуротлари билан қайтган Мукаррама Турғунбоева асос солди. Опанинг якка ўйинлардан оммавий рақсларни яратиши, халқдан олиб, сайқал бериб халққа тортиқ қилиши бебаҳо санъат эди. Ўша пайтларда Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қориёқубовлар илмидан хазина топган Мукаррама Турғунбоева ўзининг биргина «Тановар», «Пахта», «Пилла» рақслари билан муносиб ҳайкал ясаб қўйган эди. «Баҳор» рақс труппаси эса иккинчи ҳайкал бўлиб қолди. Унинг ижодидаги сир-асрор нимада? Шогирдлари орасида Г. Ҳамроева унга чуқурроқ ёндошишга киришди. Рақс даҳосининг сеҳрли қирраларини ўрганиб чиқди ва кўп ўтмай «Саҳна хореографиясининг умумий қонуниятлари ва ўйинда («Баҳор» труппаси мисолида) миллий образ» мавзуида илмий ишини ёқлади. Бу ўз навбатида Мукаррама Турғунбоева изланишларининг зое кетмаганидан, дунё рақси тарихида ўзбек миллий ўйини анча олдинга назарий жиҳатдан силжиб қўйганидан далолат эди. Шундай қилиб санъатшунослик фанлари номзоди Гулсум Ҳамроева опа рақс меросини яна бир погона чўққига кўтаришга ҳисса қўшди.

— Асли Хитойданман, — дейди шогирдлардан Флорида Низомутдинова. — Фрунзега кўчиб келгандик. Ота-онам мени Тошкентга олиб келдилар. «Қизимиз рақсни жуда яхши кўради, ўзингиз устозлик қилинг», деб илтимос қилишди. Опага ўйнаб бердим. 16 ёшимдан бошлаб ҳаётим у кишига боғланди, иккинчи онамдай эдилар. Суйган йигитим ҳам қўлимни сўраб уларнинг олдига келди. Опа обдон кузатиб кўргач маъқул кўрди чоғи, менга кулиб қўйдилар. Аммо бўлажак қайнонам билан қайнотам негадир мени хоҳламай қолишди. Кейин эшитсам, ўғлимга рақсосани олиб бермайман, дебди. Фақат катта ўғлим раққос эди, ўшанга тега қолсин дейишибди. Бу гапни эшитган опанинг ғазаби қайнади. Унинг устига ота-онам ҳам бизнинг раққос ўғлига берадиган қизимиз йўқ деб туриб олишганди. Хуллас, опа икки томоннинг рухсатисиз ётоқхонада тўйимизни бошлади. Боламиз бетоб бўлиб қолса ҳам, боғчага жойлай олмасак ҳам, қисқаси қандай ташвишимиз бўлса, опа теппа-тенг тортишардилар. Онамиз ҳам, ҳукуматимиз ҳам, ишонганимиз ҳам опа эдилар.

Бугунги кун ўзбек рақс санъатида, аниқроғи «Баҳор» труппасида опа анъанаси қандай давом этаяпти? Шогирдларидан бири Нурхон Зулинова кўпроқ шуларга тўхталди.

— Гастроль сафарларида опа биздан бир дақиқа ҳам узоқ кетмасдилар. Эрта билан саҳар туриб, ўсма сиқардилар. Ўтириб қоғозга навбатдаги рақс расмини чизардилар. Ижод қилишдан толиқмасдилар. Йўл-йўлакай бизга тарбияни ҳам ўзлари мисолида ўргатиб келардилар. Қайси жойда, қандай шароитда бўлмасинлар эгниларида, на оёқ кийимларида камчилик тополмасдик. Одам ҳаётда қанчалик озода, иффатли, ҳаёли бўлса, саҳнада ҳам шундайлигича қолади деб уқтирардилар. Кези келганда шуни афсус билан айтишим керакки, жумҳуриятимизнинг бирон-бир жойида ҳозиргача ҳам раққосалар учун чироқлар, гримхоналар, умуман шароитлар йўқ. Кийимларимизни осиш учун мих олиб юрардик. Аёзли қиш кунларида ўтган қурултой ёдимизда. Ҳеч қандай шароитсиз, совуқ хонада томошанинг қолдирилишини хоҳлаб ўтиришардик. Опа келиб чамадонини секин очди. Шундан билдикки, томоша қолдирилмаган. Опанинг нигоҳидан шароит яратмаган раҳбарлар учун эмас, одамлар учун концерт қўямиз, халқ кутяпти деган маънони уқиб олиш қийинмасди. Концертлар аксарият оқшом пайтлари бўлгани учун фарзандларимизни боғчадан дадалари олардилар. Опа шуларни ҳам ўйлаб, ташвиш қиларди. Шунинг учун раққосаларнинг фарзандларига алоҳида боғча зарурлигини раҳбарлар олдига қўйди. Аммо ниятларини охирига етказа олмадилар...

Ундан кейин, қирқта қизнинг феъл-атворига қараб қирқ хил ҳаракатни, ўйинни топиб бера олардилар. Гарчи бир хил ҳаракат қилсакда, ҳар кимнинг ўз услуби, ўрни бор эди. Бу услуб, ҳаракатларни труппа қошида бир студия очиб давом эттириш керак дердилар. Токи хореография билим юртидан келган қизлар «Баҳор» труппасининг сирини ўша студияда яна бир бор чуқурроқ ўргансинлар, ана ундан кейин труппага қабул қилинсин.

Мукаррама Турғунбоева ҳаётлик пайтларида бундай студиянинг синовидан ўтган Нурхон Зулинова гапларига қўшилмай иложимиз йўқ. Лекин нимагадир бу анъана давом этмай қолди. Эҳтимол, хореография билим юрти бераётган юқори малака бунга ҳожат қолдирмаяпти ҳам дерсиз. Тараққиёт ўзгаришда, М. Турғунбоева раққосаларидан ҳам ўтадиган замонавийлари яратиляпти-ку дегувчилар топилар. Бироқ ҳали халқ миллийлиги бобида, назокатлиги борасида Опа ўйинларидан ўтадиганини кўраётгани йўқ. Сир эмас, хореография билим юртида юксак рақс малакасини ўрганиб чиқувчиларнинг аксарияти ўз она тилларида сўзлаша олмайдилар. Ўз тилини унутган маданияти у ёқда турсин, рақсда ҳам қойилмақом даражага чиқолмайди. Унинг устига рақсда фақат кўзини сузиб, қошини ўйнатиб йўрғалаш эмас, иболи ҳаракат, камтарлик ва беғуборлик ҳам керак. Балки шу нарсани йўқолиб бораётгани учундир, рақсни оддий ҳаракатда ёки рақс либосларини ялтир-юлтир кийимларда деювчилар кўпайиб кетди. Рақс санъати бобида Мукаррама Турғунбоева санъатигина бизга миллий рақс тожи эканлигини яна бир бор эслашнинг ўзи кифоя эмас. У яратган битмас-туганмас қудуқдан қанча кўп сув олиб ичсак қониқмаймиз. Бизга бу сувни олиб берадиган унинг томирлари — шогирдлари бор. Улардан ўз вақтида фойдаланайлик. Токи келгуси авлодларимиз тарихида тож яратган шундай улуғ зотнинг қадрига етмаганимиз учун таъна тошини отмасин. Ўзбекона рақсларимиз равнақини Мукаррама Турғунбоева яратган чўққиларидан туширибгина юбормайлик.

Юқорида танишим гаплари жаранглайди, дедим. Саҳнадами, кичик бир даврадами Опанинг сарвқомати, тантанавор ва жозибали жуссаси, ерга иболи қараш билан қилган ҳаракатлари ўз вақтида уни ҳам беихтиёр мафтун қилган бўлса ажаб эмас. Унинг тантанали кунларида бизга қолдирган ўлмас маданий хазинаси учун, ўзи яратган ҳайкаллари учун руҳи олдида таъзим қилайлик. Токи у инъом этиб кетган бой мерос теран томирлари орқали барҳаёт қолаверсин.

Феруза ҲУСАНОВА.



Кексалар билан учрашув

⊙ КУНИ кеча жумҳурият партия, уруш ва меҳнат кексалари пансионатига Фрунзе район 127-мактаб ўқувчилари ташриф буюришди. Шу куни ўқувчилар пансионатда истиқомат қилишаётган қарияларга совғалар инъом этишди.

Шундан сўнг, мактаб қошида тузилган ашула ва рақс ансамбли ўз санъатларини намойиш қилишди. Ўқувчиларнинг бу ташрифидан пансионатдагилар ниҳоятда хурсанд бўлишди.

Д. БОБОМУРОДОВ.

⊙ СУРАТДА: учрашувдан лавҳа.

Б. Адамбоев сурати.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

49-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Муассасалараро экспериментал бирлашманинг

ТЕХНИКУМ-БИЛИМ ЮРТИ

Янги ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚАНДОЛАТЧИ, ОШПАЗ-ҚАНДОЛАТЧИ, КАРАМЕЛЧИ, КОНФЕТЧИ, СОТУВЧИ, НАЗОРАТЧИ-КАССИР

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 9—11 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 9-синфни тамомлаган йигит ва қизлар учун — 3 йил, 11-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 1 йил.

3 йил ўқийдиган ўқувчилар стипендия ва кийим-кечак билан таъминланадилар.

1 йил ўқийдиган ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

3 йиллик курсларни битирувчиларга мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома берилади. 1 йиллик курсларни битирувчиларга эса мутахассислиги бўйича диплом берилади.

Билим юрти ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юрти битирувчилари Тошкент булка-қандолат комбинатига, «Ўртоқ» қандолат фабрикасига, Тошкент сабзавот савдо бирлашмасига, Тошкент ва Наримонов шаҳри ошхоналари трестларига ишга юбориладилар.

Билим юртини «4» ва «5» баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга йўлланма Тошкент Совет савдоси техникумига (қисқартирилган программа бўйича ўқитиладиган группаларга), шунингдек, олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзли йўлланмалар берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, соғлиги ҳақида справка, 6 та фотосурат (3х4 см).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: 700080,Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй. (68, 15, 45, 23, 171, 183, 177, 154-автобуслар, 5-трамвайнинг «5-Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш вазирлиги базасидаги

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчилар; кенг профилдаги станокчилар; слесарь-сантехник, газ пайвандчилар; технологик қурилмалар ва металл конструкциялари монтажи бўйича слесарь-монтажчилар, автомобиллар ремонти бўйича слесарлар; электр-газ пайвандчилар ихтисоси билан бирга «В» ва «С» категориядаги автомобиль ҳайдовчилар.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой ва 3 йил.

3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, улар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик даражаси (разряди) берилади.

10 синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга ойига 30—76 сўмгача стипендия тўланади.

Ишлаб-чиқариш тажрибаси (практикаси) даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кириш имкониятига эгадирлар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТРЕСТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.



МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: Директор номига ариза; туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт; маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси); яшаш жойидан справка; медицина справкаси; 6 дона фотосурат (3х4 см).

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700073, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй. (12, 52, 68, 111, 183-автобуслар; 5, 26-трамвайларнинг «Ёғ-мой комбинати» бекати; 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони бекати). Қабул комиссияси. Телефон: 91-33-94.

Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ КОНТРОЛЁР-КАССИРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

4 ОЙЛИК КУРСЛАРИГА

навбатдаги қабулни ўтказади

25 ёшгача бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмидаги маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади ва ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар айни пайтда кечки мактабда ёки савдо техникумларида ўқишлари ҳам мумкин.

Ўқишни битирганларга йирик магазинларга ишга йўлланма берилади ва Совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга киришлари учун имтиёзли шароит яратиб берилади.

Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон: 55-75-15.

31 АВГУСТГАЧА

ТЕХНИК-ХАРИТАЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

17 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТДА ПРОПИСКАДА ТУРУВЧИ ҚИЗЛАР МАНДАТ ҲАЙЪАТИДА СУҲБАТ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар — рус тилида олиб борилади.

Ўқувчиларга ойига 70 сўмдан стипендия берилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 93-уй, кадрлар бўлими. (5, 26, 37, 52, 183-автобуслар; 2, 3, 13, 28-трамвайларнинг «Сув спорти саройи» бекати; 5, 17-троллейбусларнинг 145-мактаб бекати).

ИВАН САЛОВОВНИНГ янги тўлиқ метражли ҳужжатли фильмида

«ИШОНЧ ҲАДЯ ЭТИШГА КЕЛДИМ» ДЕЙДИ АНАТОЛИЙ КАШПИРОВСКИЙ»

Бу фильмда **Анатолий Михайлович Кашпировский** ўзи ҳақида ва уни инсонларнинг ўзларидаги турли хил хасталикларни енгиб чиқишга ёрдам беришга ундаган омиллар ҳақида ҳикоя қилади.

Фильмда А. М. Кашпировскийнинг даволаш сеансларидан иккитаси тўлалигича кўрсатилган.

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯЛАР МАРКАЗИ

1 ИЮНДА

«ИШОНЧ ҲАДЯ ЭТИШГА КЕЛДИМ»

ФИЛЬМИ НАМОЙИШИНИ БОШЛАШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Сеансларнинг қаерда ва қачон ўтказилиши қўшимча равишда маълум қилинади.

«Тошкент оқшоми» ва «Экран янгиликлари» рўзномаларидаги жорий кино репертуарини кузатиб боринг.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

Елғиз эркаклар ва аёлларни 6 ойлик муддат билан

МАВСУМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

НОВОСИБИРСК ЭЛЕКТРОВОЗЛАРНИ ТУЗАТИШ ЗАВОДИГА. Шаҳар прописка сидан ўчмаган ҳолда

— **елғиз эркак ва аёлларни 142 йилга:**

КУЗНЕЦК МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИГА (Новокузнецк шаҳри),

ГОРЬКИЙ МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИГА,

«Казанрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасига (Қозон шаҳри), Кременчуг ғилдирак заводига (Кременчуг шаҳри),

— **қурилиш касбидаги 40 ёшгача бўлган елғиз эркакларни:**

КУЛОТИНСК ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ УЧАСТКАСИГА (Новгород вилояти), ХАРЬКОВДАГИ 2-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИГА, МИНСК УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИГА, «КУЗНЕЦКШАХТОСТРОЙ» ТРЕСТИГА (Новокузнецк шаҳри).

Меҳнат шартномаси тузганларга бир марталик нафақа, темир йўлда бориш ҳақи, йўлда бўлган вақт учун кеча-кундузлик ҳаражатлар) тўланади, шинам ётоқхоналардан жой берилади ва вақтинча прописка қилинади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 64-уй ва марказнинг район ижроия комитетлари ҳузуридаги бўлимларига.

Тошкент шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш маркази

«Ўзрембиттехника» ишлаб чиқариш бирлашмасига

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Автотранспорт бўлими бошлиғи, режа-иқтисод бўлими бошлиғи, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғининг ўринбосари, бош ҳисобчи ўринбосари, режа-иқтисод бўлими иқтисодчиси, кадрлар тайёрлаш бўйича муҳандис.

Қўшимча маълумотлар олиш учун Ленин район аҳолини ишга жойлаштириш бўлимига — Т. Шевченко кўчаси, 64-уйга мурожаат этилсин.



Биринчиликнинг ўйинлари ойнаи жаҳон орқали кўрсатилмаганлиги сабабли ишқибозларимиз спорт мухбирларининг хабарларини орзиқиб кутардилар. Нўноқ бир мухбирнинг шошма-шошарлик билан чиқарган хулосасига кўра, командамизнинг мағлубиятга учрашида асосий айбдор Л. Яшин деб топилди. Машҳур дарвозабонимизнинг букилмас иродаси туфайлигина у футболни тарк этмасликка ўзида куч топди ва кейинги йилн дарвозабонлар орасида ҳанузгача ягона «Олтин тўп» соҳиби бўлиб ўзининг ҳақлигини исботлади.

Биринчилик эса давом этарди, ярим финалга дастлаб Бразилия ва Чили командалари чиқди. Пеледан сўнг бразилияликлар сафида етакчиликни Гарринча ўз қўлига олган эди. Гарринча ва Вавонинг иккитадан аниқ зарбаларидан сўнг улар 4 : 2 ҳисобида ғалабага эришдилар. Иккинчи ўйинда эса Чехословакия ва Югославия командалари беллашдилар. Илгари Чехословакия футболчилари ўртамиёна командалар қаторига кирарди. Янги тренер Р. Витлачил маҳоратли туфайли аҳил ва ҳамжиҳат команда вужудга келди. Ярим финал ўйинини ҳам уюшқоқлик билан ўтказган чех футболчилари 3 : 1 ҳисобида ғолиб келдилар.

17 июнда Сантьягода 70 минг ишқибоз шоҳидлигида Бразилия — Чехословакия командалари ўртасида ҳал қилувчи ўйин бошланди. Ўйиннинг бош ҳаками мамлакатимиз вакили Н. Латишев эди. Ҳисобни ярим ҳимоячи Масопуст очди. 2 дақиқадан сўнг Амарилдо жавоб тўпини киритди. Анчагача ўйин тенг борди. Зито ва Ваванинг ўйин сўнггида берган аниқ зарбаларидан кейингина бразилияликлар 3 : 1 ҳисобида зафар қучдилар. Лекин улар бу биринчиликда аввалгидаги каби енгил ва чиройли ўйин кўрсата олмадилар.

Биринчи марта 6 ўйинчи 4 тадан тўп киритиб энг сермаҳсул натижани кўрсатди: Альберт (Венгрия), Гарринча, Вава (Бразилия), Еркович (Югославия), В. Иванов (СССР) ва Л. Санчес (Чили).

Финалда ўйнаган ғолибларнинг номлари билан танишинг: Жильмар, Ж. Сантос, Мауро (капитан), Зозимо, Н. Сантос, Зито, Диди, Гарринча, Вава, Амарилдо, Загало.

КУТИЛМАГАН ВОҚЕАЛАР

НАВБАТДАГИ VIII жаҳон биринчилигини ФИФА Англия футболининг 100 йиллиги муносабати билан шу тупроқда ўтказишга қарор қилди. Иштирок этиш истаги 71 командадан тушди. Саралаш турнирларида 127 ўйин ўтказилди. Командаларнинг сараги саракка, пучаги пучакка чиққанидан сўнг Болгария, ГФР, Франция, Португалия, Швейцария, Венгрия, Испания, СССР, Италия, Уругвай, Чили, Аргентина, Мексика, КХДР, Бразилия ва Англия терма командалари финал турнирида қатнашадиган бўлди. Ушбу биринчилик бошидан охиригача ҳайратомуз воқеаларга бой бўлди. Бу авваламбор 2 карра жаҳон чемпионлари бразилияликларнинг гуруҳ ўйинларида Венгрия ва Португалиядан 3:1 ҳисобида мағлубиятга учрашларида намоён бўлди. Биринчилик ўйинларида Пелега нисбатан жуда қўпол ўйнадилар. Айниқса португалияликлар унинг батамом сафдан чиқиши учун жуда кўп «тер» тўкдилар. Оқибатда қатарасига икки биринчиликда футбол қироли имконияти даражасида ўйин кўрсатолмай бевақт сафдан чиқди. Аммо энг қутилмаганн, бу — КХДР футболчиларининг италияликлар устидан 1 : 0 ҳисобида ғалаба қозониб, Маццола, Ривера, Факетти каби кучли футболчиларга эга серқуёш мамлакат командасининг биринчиликни муддатидан илгари тарк этишига сабаб бўлганидир. Биринчиликда «Қора пантера», «Мозамбиклик қора жавоҳир» лақабларини олган португалиялик Эйсебионинг юлдузи ҳаммадан ёркин чақнади. 100 метрни 10,8 сонияда босиб ўтадиган бу ўйинчини тўхтатиб қоладиган ҳеч бир куч йўқ эди гўё. КХДР билан чорак финал ўйинида командаси мағлубиятга учраётганида қаторасига 4 тўп киритиб, унинг ғалабасини таъминлади, яъни бир ўзи бутун ўйин тақдирини ҳал қилди. Умуман, жуда кучли ҳисобланган Венгрия, Аргентина, Италия, Бразилия, Испания командалари ҳатто ярим финалга ҳам чиқа олмадилар. Бу жаҳон футболида кучлар аста-секин тенглашиб бораётганини кўрсатарди. Таъкидлаб ўтиш эътиборга молик: VIII жаҳон биринчилиги бу — ҳозиргача мамлакатимиз футболчиларн қатнашган энг муваффақиятли турнирдир. Улар 4-ўринни эгаллаб бронза медалларининг соҳиби бўлдилар. Ушбу биринчиликда майдонга тушган мамлакатимиз футболчиларининг номлари билан танишинг: Яшин, Кавазашвили, Пономарев, Шестернев, Хурцилава, Гетманов, Островский, Сабо, Численко, Г. Сичинава, Данилов, Корнеев, Афонин, Метревели, Воронин, Маркаров, Серебряников, Банишевский, Малофеев, Хусаинов, Паркуян.

Иқтидорли тренер Н. Морозов етакчилигида футболчиларимиз КХДРни 3:0 (тўп муаллифлари: Малофеев — 2, Банишевский), Италияни 1:0 (Численко), Чилини 2:1 (Паркуян — 2) енгиб, чорак финалга йўлланма олдилар. Унда Венгрия терма командасини ҳам 2:1 ҳисобида енгдилар. Ҳа, биринчи марта совет футболчилари учун ярим финалга йўл очилди. Ярим финалда футболчиларимиз жуда кучли ГФР терма командаси билан беллашдилар. Ўйиннинг ўрталарида ҳакам И. Численконн майдондан ташқарига чиқариб юборди. Албатта, бундай оғир ўйинда яшил майдонда 10 футболчининг қолиши кўп нарсани ҳал қилди. Аминманки, ушбу ҳунук ҳодиса рўй бермаганида командамиз финалга ҳам чиқиши мумкин эди. Начора, кескин, шиддатли ва муросасиз ўтган бу ўйинда футболчиларимиз бор куч-маҳоратларини сарф этдилар. Аммо, омад рақибларимизга кулиб боқди. 2:1. Тушкунликка тушган футболчиларимиз 27 июнда 3-ўрин учун бўлган учрашувда ҳам 2:1 ҳисобида португалиялик футболчилардан мағлубиятга учрадилар. Шундай бўлса ҳам 4-ўрин чарм тўп усталаримиз учун катта муваффақият эди.

Биринчиликнинг финал ўйини 30 июль куни Лондондаги «Уэмбли» стадионида 100 минг футбол мухлисининг ва ойнаи жаҳон атрофига тўпланган 400 миллион ишқибозларнинг синчков нигоҳи остида ўтди. Бокулик Т. Баҳромов бош ҳакам ёрдамчиси сифатида майдонга тушди.

Англия ва ГФР командалари иштирокидаги ўйин жуда чиройли ва қизиқарли ўтди. Ғарбий германиялнклар биринчи бўлиб ҳисобни очдилар (Халлер), лекин 5 дақиқадан сўнг ҳисоб тенглашди (Херст), 70-дақиқада Питерс майдон эгаларини олдинга олиб чиқди. Охирги дақиқада дарвоза олдидаги тўс-тўполондан фойдаланган Вебер яна ҳисобни тенглаштирди. 2:2. Ғолибни аниқлаш учун 30 дақиқа қўшимча вақт белгиланди. Қўшимча вақтда Херстнинг 2 тўпидан сўнг ғалаба қозонган англияликлар жаҳон биринчилигининг олтин медалини қўлга киритдилар. Ушбу бахтли футболчилар қуйидагилар: Бенкс, Козн, Ж. Чарльтон, Мур (капитан), Уилсон, Стайлз, Болл, Б. Чарльтон, Питерс, Херст, Хант.

9 тўп киритган Эйсебио биринчиликнинг энг сермаҳсул ҳужумчиси бўлди.

АЛВИДО, «ОЛТИН МАЪБУДА»

ТЎҚҚИЗИНЧИ жаҳон биринчилиги Мексика стадионларида ўтди. Мексиканинг ўзига хос томони шунда эдики, унинг шаҳарлари денгиз сатҳидан 2000 метрдан баландда жойлашган эди. Бу эса ўз навбатида кислород танқислигига олиб келарди, яъни командалардан кучли жисмоний тайёргарлик талаб этиларди. Биринчиликда қатнашиш истагини 85 мамлакат билдирди. Саралаш ўйинларидан сўнг Руминия, ЧССР, Италия, СССР, Швеция, Бельгия, ГФР, Болгария, Перу, Бразилия, Уругвай, Сальвадор, Исроил, Марокаш, Англия ва Мексика командалари финал турнирига йўлланма олдилар. Таъкидлаб ўтиш жоиз, биринчилик ўйинларини жаҳоннинг 73 мамлакатидаги 720 миллион ишқибоз ойнаи жаҳон орқали томоша қилди. Стадионларнинг ўзига эса 1.570 минг футбол мухлиси ташриф буюрди. Бу ҳар бир ўйинда ўртача 49 минг ишқибоз дегани. Дастлаб шу биринчиликдан бошлаб ўйин давомида ўйинчиларни алмаштиришга рухсат берилди.

Биринчиликда командалар дастлаб тўрт группага бўлиниб ўйинлар ўтказдилар. Бунда СССР, Бразилия, Италия, ГФР терма командалари ўз группаларида ғолиб бўлдилар. Совет футболчиларининг қатнашувига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Турнирда мамлакатимиз футболи шарафини қуйидаги футболчилар ҳимоя қилишди: Рудаков, Кавазашвили, Дзодзуашвили, Шестернев, Ловчев, Капличний, Хурцилава, Логофет, Афонин, Киселев, Асатиани, Мунтян, Серебряников, Гершкович, Бишовец, Г. Нодия, Пузач, Хусаинов, Хмельницкий, Еврюжихин.

Командамизнинг майдон эгалари — мексикаликлар билан бўлган биринчи учрашувида 0:0 ҳисоби қайд этилди. Сўнг Бельгияни 4:1 ҳисобида енгдик. Тўпларни Бишовец (2), Асатиани ва Хмельницкийлар киритишди. Учинчи ўйинда эса Бишовецнинг икки аниқ зарбасидан сўнг Сальвадор футболчилари таслим бўлишди — 2:0. А. Бишовец ўз группасидаги энг кучли футболчи деб тан олинди.

Чорак финалда Уругвай футболчилари билан беллашдик. Командамизнинг бироз устунлигида ўтган ўйиннинг асосий вақти 0:0 ҳисобида тугади. Сўнг қўшимча вақт белгиланди. Ўйиннинг 115-дақиқасида тўп майдон ташқарисига чиқиб кетди. Ёрдамчи ҳакамнинг байроқчани кўтарганига қарамай, бош ҳакам парво ҳам қилмади. Балки кўрмагандир. Ҳар ҳолда учрашувни тўхтатиш учун ҳуштак чалинмади. Уругвай футболчиси Кубилла тўпни жарима майдончасига, Эспараггога оширди, у ёғи эса техниканинг ниш деганларидек... Футболчиларимиз вазиятга аралашмай худди томошабин сингари ҳакам ҳуштагини кутиб турардилар. Улар охирги дақиқагача курашни тўхтатмаслик кераклигини, ҳар бир бахсли вазиятни ёлғиз ҳакамгина ҳал қилишини гўё унутиб қўйган эдилар. Оқибатда чорак финал ўйинида яна мағлубиятга учрадик.

1970 йил, 21 июнь. Мехикодаги машҳур «Ацтека» стадиони. 112 минг ишқибоз. Финал. Бразилия—Италия терма командалари. Англиядаги даҳшатли мағлубиятдан сўнг бразилияликлар икки марта жаҳон чемпиони тренер М. Загало бошчилигида ушбу биринчиликка жуда пухта тайёрланган эдилар. Командининг ҳар бир чизиғида командадошларини олға бошлайдиган К. Альберто, Герсон, Пеле сингари етакчи ўйинчилар бор эди. Бу бразилияликларнинг 1958 йилги биринчиликдан кейинги энг кучли терма командаси эди. Италияликлар таркибида ҳам Бургнич, Факетти, Доменгини, Маццола, Ривера, Рива каби жаҳон футболининг юлдузлари жамланган эди. Аммо бу биринчиликда бразилияликларни тўхтатиб қолиш мумкин эмасди. Команда йўлбошчиси Пеле ажойиб спорт формасида эди. Ҳал қилувчи ўйинда К. Альберто, Герсон, Жаирзино, Пелеларнинг аниқ зарбаларидан сўнг 4:1 ҳисоби қайд этилди. Ғолиб команда таркиби билан танишинг: Феликс, К. Альберто (капитан), Брито, Пиацца, Зверальдо, Клодоальдо, Герсон, Ривелино, Жаирзино, Тостао, Пеле. Низомга кўра Бразилия терма командаси уч марта жаҳон чемпиони бўлгани учун «Олтин маъбуда» уларга доимий сақлаш учун тақдим этилди.

Футбол осмонида бамисоли яшиндек чақнаган ГФР командасининг ҳужумчиси Г. Мюллер 10 тўп киритиб, энг сермаҳсул ҳужумчи совринининг соҳиби бўлди.

ҲУЖУМКОР ФУТБОЛ ТАНТАНАСИ

ЮБИЛЕЙ X Жаҳон биринчилигининг финал турнири Ғарбий Германиянинг яшил майдонларида ўтадиган бўлди. 99 терма команда саралаш ўйинларида иштирок этди. Шундан 16 нафари финал турнирида қатнашиш бахтига муяссар бўлди. Мана улар: Швеция, Италия, Голландия, ГДР, ГФР, Польша, Болгария, Югославия, Шотландия, Уругвай, Аргентина, Чили, Гаити, Заир, Австралия ва Бразилия терма командалари. Афсуски, ушбу рўйхатда Ватанимиз футболчилари йўқ. Чунки, низом бўйича 9-Европа ва 3-Жанубий Америка саралаш гуруҳларининг ғолиблари 2 та қўшимча ўйин ўтказишлари, натижада улардан бири биринчиликда қатнашиши керак эди. Чек СССР ва Чили терма командаларига тушди. Москвадаги биринчи ўйин 0:0 ҳисобида якунланди. Иккинчи учрашув эса Сантьягода, ҳарбий хунта концентрацион лагерга айлантирган стадионда ўтиши керак эди. Совет футбол федерацияси ўйинни бошқа мамлакат стадионида ўтказишни таклиф қилди, ФИФА рози бўлмади. Ўйин ўтказилмади ва охир-оқибатда Чили терма командаси биринчиликка йўлланма олди. Аммо, менимча, асосий сабаб бунда ҳам эмас. Қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни тан олиш керак: 1972 йилги Европа биринчилигидан сўнг мамлакатимиз футболи 80-йилларнинг бошларига қадар чуқур таназзулга юз тутди. Бу унинг бошланиши эди, холос.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг спорт шарҳловчиси.

(Давоми бор).

(Давоми. Бошн рўзномаиинг аввалги сонларида).



© 1978 йили биринчиликнинг ҳал қилувчи ўйинида голландияликлар дарвозасига тўп киритган Кемпес хурсандчилигининг чеки йўқ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЗЕНИТ **«ЗЕНИТ-7» фирмали техно-савдо маркази**

(Чехов кўчси, 10-уй, метронинг «Ойбек» станцияси)

ТАВСИЯ ҚИЛАДИ.

УЙ БЕКАЛАРИГА ЁРДАМ

Баҳорий шакароблар ва винегретлар, карам шўрва, олдиндан маҳсулотларни ғамлаб тайёрлаш вақти келди. Деярли ҳар бир таомда саримсоқ пиёз энг муҳим таркибий қисмлардан ҳисобланади. Одатда, биз уни майдаланган ҳолда ишлатамиз; шунда у шакаробда бир текис тақсимланиб, унга ўткир ҳид ва маза бахш этади. Бироқ уни тозалаш ва тўғрашга уй бекаси анчагина вақт сарфлайди.

Саримсоқпиёз учун исканжа бу ишни уй бекасидан кўра яхшироқ ва тезроқ бажаради! У бир неча лаҳзада саримсоқ пиёзни бўлакларга бўлиб ташлайди.

Бунда унинг бўлакларини пўстлоғидан тозалаш унчалик шарт эмас.



Ана шундай исканжадан ёнғоқ чаққич ўрнида ҳам фойдаланиш мумкин. — Баҳоси — 2 сўм.

Печенье пиширш учун махсус қолип сотиб олишингиз бир йўла уч хил кўринишда печенье маҳсулотларини тайёрлашингиз мумкин. Магазинда икки хил қолип бор. Баҳоси — 2 сўм 20 тийин. ва 6 сўм.

ИШБИЛАРМОН ҚИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Уйингиздаги майда-чуйда носозликлар кўпинча кайфиятингизни ҳуфтон қилиб юборади. Шунақа пайтларда ўз қўлингиз билан у-бу нарсани тузата олсангиз қандай яхши!

Мебелни тузатиш ёки тайёрлаш билан шуғулланувчиларга мебель эшиклари учун ҳалқалар жуда асқотади.



Баҳоси — 1 сўм 20 тийин.

Иш вақти: соат 10 дан 19.00 гача, танаффус соат 14 дан 15.00 гача.
Дам олиш куни — душанба.

«ЗЕНИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ГОСКОМТРУД УЗССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ТУЗАТИШ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА:

Маслаҳатчи-ҳуқуқшунос, муҳандис-технолог, токарь, слесарь, бўёқчи, дурадгор, термист, штампловчилар, фрезерчи, газ-электр пайвандчи, омборчи, омилкор усталари.

«ЭТАЛОН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

моддий шўъба ҳисобчиси, тўлдириш муҳандиси, иқтисодчи-молиячи, радиоасбоблари бўйича назоратчи омилкор уста.

Ўзбекистон фуқаро авиация бошқармасининг
ТОШКЕНТ БИРЛАШГАН УЧУВЧИЛАР ОТРЯДИГА:

капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи, қурувчи-муҳандис, токарь, газ-электр пайвандчилар.

«ТАШСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

токарь, асбобсоз-чилангарлар, штампловчилар, исканжаловчилар, ажратувчилар, ғалтак ўровчилар, йиғувчилар, омилкор усталар, юк ташувчилар, электрчилар, ҳисобчилар, назоратчилар, тўлдирувчилар, иқтисодчилар.

«СРЕДАЗГАЗПРОМ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «УЗБЕКГАЗСТРОЙ» ТРЕСТИГА:

«ЭО-5122», «УБ-1233» ва бошқа экскаваторларнинг машинистлари, ошпаз.

2-АВТОХЎЖАЛИККА:

«ВС», «ВСД», «ВСДЕ» тонфали ҳайдовчилар, паттачилар.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ РАЙОН ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ — Спутник, 2-мавзе, 69-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОНИ — К. Маркс кўча, 59-уй.
ҲАМЗА РАЙОНИ — М. Ҳасанова кўча, 10-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОНИ — Ш. Руставели кўча, 87-уй.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИГАН КУНЛАРИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИ:

2 ва 3 июнда А. Дюманинг «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (I-том) **китобига ҳар бир қабул пунктида 150 тадан;**

9 ва 10 июнда СОВҒА ТЕРМАСИ (А. Дюманинг «Королева Марго», П. Андреоттининг «Зигзаги» китобларига) **ҳар бир қабул пунктида 75 тадан;**

16 ва 17 июнда Ф. Куперннинг «ШПИОН» китобига ҳар бир қабул пунктида 100 тадан абонемент берилади.

А. Дюманинг «ГРАФ-МОНТЕ-КРИСТО» (I-том) **ва Ф. Куперннинг «ШПИОН» китобларига абонементлар бир йўла 10 кг. макулатура топширилгандан кейингина берилади.**

А. Дюманинг «ГРАФ-МОНТЕ-КРИСТО» (I-том) **ва Ф. Куперннинг «ШПИОН» китобларига берилган абонементлар 20 кг. макулатура топширилгандан кейингина унда кўрсатилган китобларни олиш мумкинлигини кафолатлайди.**

СОВҒА ТЕРМАСИ (А. Дюманинг «Королева Марго», П. Андреоттининг «Зигзаги» китоблари) **бир йўла 30 кг. макулатура топширилгандан кейингина берилади.**

«Совға» термасининг баҳоси 8 сўм 70 тийин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШТАЙЁРЛАШ КОРХОНАСИ.

«Главташкентстрой» ҳузуридаги

5, 6, 12, 31, 35, 43-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ

Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаган ва Тошкент шаҳрида доимий яшаб турувчи ёшларни

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

6 ОЙЛИК ЎҚИШГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Монтажчи-пайвандчи, қурилиш дурадгори, ғишт терувчи, қолипловчи, бетончи, электр пайвандчи, бўёқчи-суворқчи.

Ўқиш — группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқишни тамомлагандан кейин билим юртларини тугатган ўқувчилар «Главташкентстрой»нинг қурилиш бўлинмаларида ишлайдилар.

Тошкент шаҳрида камида 3 йил мобайнида яшаб турган кишилар уй-жой олиш учун навбатга ёзилишлари мумкин.

Бошқарманинг айрим бўлинмалари имтиёзли шартномалар шартларига кўра уй-жой билан таъминлашни амалга оширадилар.

Хоҳловчилар қурилишларда ишлаш билан бирга Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг кечки бўлимларида ва техникумларда ўқишлари мумкин.

БИЛИМ ЮРТЛАРИ ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛЛАР:

5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ (5-ПТУ) — Ленин ноҳияси, Астрахань кўчаси 10-уй.

6-ПТУ — Куйбишев ноҳияси, Луначарский бош кўчаси, 69-уй.

12-ПТУ — А. Икромов ноҳияси, Чилонзор даҳаси, 26-квартал, Забаш кўчаси, 1-уй.

31-ПТУ — Октябрь ноҳияси, Қора тош кўчаси, 40-уй.

35-ПТУ — Чилонзор ноҳияси, Дўмбиробод кўчаси, 74-уй.

43-ПТУ — Киров ноҳияси, Юнусобод даҳаси, А-1.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин — 33-51-80, 39-19-57, 45-46-58.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/VI да **Борис Годунов**, 2/VI да **Севги тумори**, 3/VI да **Дон Карлос.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 1/VI да **Табассум оқшоми**, 2/VI да **Шайтон ва муридлар**, 3/VI да **Кампир кетармиш.**

КИНО

31 МАЙДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ ОДАМ» (17, 19, 20.45).
Восток — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (21.00).
Фестиваль (ёзги) — «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20.40).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (17), «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20, 21.30).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ГУГА» (17, 20.00).
К. Ерматов номли — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (тоқ соатларда).

1, 2, 3 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «СИТОРА» (11), «ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ ОДАМ» (13.30, 15, 17, 19, 20.45).
Восток — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (11, 13.30, 18.30, 21.00).
Фестиваль (ёзги) — «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20.40).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (11, 14, 17); «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20, 21.30).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 14, 17, 20.00).
К. Ерматов номли — «АТИРГУЛ НОМИ» (тоқ соатларда).

Т. Содиқов номидаги шаҳар маданият уйи қошидаги

ҲУЖАЛИК ҲИСОБИДАН МУСИҚА МАКТАБИ

фортепиано, баян-аккордеон, гитара, скрипка, зарбли чолғу асбоблари ихтисоси бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кундузги ва кечки бўлимларга ёшидан қатъий назар барча хоҳловчилар қабул қилинади.

АСОСИЙ ҚАБУЛ 1 ИЮНДАН 15 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Масканимиз: Будённий кўчаси, 123-уй. Телефонлар 55-25-37, 55-38-66.

1-БЎЛИНМА — Қўйлиқ, 47-мактаб.

2-БЎЛИНМА — Сапёрлар кўчаси, 6-уй.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 04285.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10